БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 215 (16.905). • 14 сентябрь 1977 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

МИЛЛАТЛАРНИНГ РАВНАҚИ ВА ЯҚИНЛАШУВИ ЙЎЛИДАН

Мамлакатимиз халқлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида ижодий куч-ғайрат ва умидворлик туйғулари билан тўлиб-тошмоқдалар. Мамлакатимизнинг аҳил оиласи ҳар қачонгидан кўра кўпроқ иноқлашган ва жипслашган бўлиб, Советлар Ватанимизнинг шонли юбилейини муносиб равишда янги зафарлар билан кутиб олишга якдиллик билан азму қарор қилган.

СССР янги Конституцияси лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси қардош республикалар меҳнаткашларини тобора кўпроқ жипслаштирмоқда ва руҳлантирмоқда. Замонамизнинг мана шу ғоят буюк снёсий ҳужжатида социалистик интернационализм ғояларн яққол мужассамлашгандир. Кўп миллатли Совет Иттифоқининг муваффақиятли ривожланиши Ленин партиясининг доно ва узоқни кўрувчи миллий снёсатининг тантанаси, социализмнинг жуда катта ғалабасидир. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорида айтиб ўтилганидек, бизда жамият ҳаётининг ҳамма соҳаларида барча миллатлар ва элатларнинг амалдаги тенглиги таъминланган, шаклан миллий ва мазмунан социалистик маданият барқ уриб яшнаган, меҳнат аҳлининг қайси миллатга мансуб эканлигидан қатъий назар чинакам қардошлиги, туб манфаатлар ва мақсадлар ҳамда марксча-ленинча идеология бирлиги туфайли жипслиги қарор топгандир. Кишиларнинг янги тарихий бирлиги — совет халқи худди мана шу асосда шаклланди. Миллатларнинг фақат юридик жиҳатдан эмас, балки амалдаги тенглиги биринчи навбатда бизнинг барча республикаларимиз, шу жумладан илғори иқтисодий ва маданий жиҳатдан қолоқ бўлган республикаларнинг эндиликда ривожланишининг юксак даражасига эришганликларини билдиради. 1936 йилги Конституция қабул қилингандан кейин ўтган давр мобайнида республикаларимиз қиёфасини тубдан ўзгартирган жуда катта, принципиал ўзгаришлар юз берди. Масалан, Қозоғистоннинг илғари ҳаёт нишонаси ҳам кўринмаган чўлларида ўнлаб янги социалистик шаҳарлар қад кўтарди ва серҳосил галлазорлар пайдо бўлди, жуда бой табиий ресурсларни хўжалик оборотига жалб этишга имкон берган қудратли ишлаб чиқариш территориал комплекслари барпо этилди, индустриянинг энг прогрессив тармоқлари вужудга келтирилди ва муваффақиятли ривожланмоқда. Республикада саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1940 йилдагига нисбатан шу йилнинг бошида 27 баравар кўпайди. Шу давр ичида Белоруссия саноати маҳсулоти 22 баравар, Қирғизистонда 30 баравар, Арманистонда 33 баравар, Молдавияда 41 баравар кўпайди. Ҳозирги вақтда барча республикаларда кўп тармоқли экономика ва юксак маданият ривожланиб бормоқда.

Мамлакатда қарор топган яхлит халқ хўжалиги комплекси Совет халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг мустаҳкам негизидир.

КПСС XXV съезди шу халқ хўжалик комплексини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилаб берди. Унинчи беш йилликда иттифоқдош республикалар ва районлар ўртасида иқтисодий алоқалар янча мустаҳкамланади, территориялар бўйича меҳнат тақсимотининг самарадорлиги ошади, умумдавлат миқёсидаги вазифаларни амалга оширишга ҳар бир республиканинг қўшадиган ҳиссаси кўпаяди.

Партия съездининг тарихий қарорларини рўёбга чиқариш мамлакатимиздаги, бизнинг барча республикаларимиздаги ҳамма миллатлар ва элатларнинг энг асосий муштарак ишидир. Республикаларимиздан ҳар бири ўз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда бошқа республикаларнинг қардошларча мададини ҳамиша сезиб турғани ҳолда, Совет Иттифоқининг куч-қудратини тобора мустаҳкамлаш ишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшмоқда. Байкал-Амур магистрали, Кама автомобиль заводи, Оренбург — СССР Ғарбий чегараси газопроводи, 40 дан зиёд миллатларнинг намояндалари меҳнат қилаётган Урта Осиёда энг катта Норак ГЭСи сингари гигант қурилишлар халқларнинг биргаликдаги бунёдкорлик меҳнати ва ўзаро ёрдамининг жонли мисолидир.

Социалистик миллатлар ўртасидаги маънавий алоқалар ягона иқтисодий заминда тинмай мустаҳкамланмоқда ва кенгаймоқда. Социалистик миллатлар маданиятининг ўзаро таъсири ва бир-бирини бойитиши коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида тобора кучайиб бораётган қонуний жараёндир. СССР халқлари илмий фикри ва бадиий ижодкорлиги муваффақиятларини пропаганда қилишнинг ҳар хил формалари, шу жумладан, қардош республикалар ўртасида анъана бўлиб қолган адабиёт ва санъат ҳафталиклари ҳамда декадалари бунга кўп жиҳатдан ёрдам бермоқда.

Ленинчи миллий снёсатнинг самаралари, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида бу снёсатни изчиллик билан амалга оширишнинг ажойиб якунлари совет кишиларини қувонтирмоқда. Меҳнаткашларда интернационалистик онгни, ягона оила олижаноб туйғуларини шакллантириш ва ривожлантириш учун бу снёсатни чуқур тушунтиришнинг жуда катта аҳамияти бор. Бизнинг партиямиз айниқса Советлар мамлакатининг шонли юбилейига ғайрғарлик кўрилаётган ҳозирги даврда кишиларни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялаш воситалари ҳамда методларини такомиллаштириш учун тинмай ғамхўрлик қилмоқда СССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Октябрь революциясининг 60 йиллигига бағишлаб иттифоқдош республикалар кунларининг ўтказилаётганлиги жамоатчиликни ғоят қизиқтирмоқда Иттифоқдош республикалар кунлари коммунизм қураётган халқларнинг социал-иқтисодий ва маданий жиҳатдан барқ уриб яшаётганлигини, тараққиётда бир-бири билан тобора яқинлашаётганлигини, бутун ижтимоий ҳаётнинг тўхтовсиз интернационаллашаётганлигини кўрсатувчи амалий мактаба хосил қилмоқда

Янги Конституциямизнинг лойиҳаси барча совет халқларининг коммунистик ғоялар тантанаси йўлида янада мустаҳкамроқ бирлашишга бўлган муштарак иродасини ифодаламоқда. КПСС Марказий Комитетининг 1977 йилги май Пленумида Марказий Комитет Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев мана шуни уқтириб ўтиб, бундай деган эди: «Лойиҳада миллий давлат тузилиши масалаларининг ҳал этилиши кўп миллатли иттифоқнинг муштарак манфаатлари билан уни ташкил этувчи ҳар бир республиканинг манфаатларини чинакам демократик тарзда бирга қўшишни таъминлайди, мамлакатимиздаги барча миллат ва элатларнинг ҳар томонлама равнақ топишини ва бир-бири билан муттасил яқинлашишини таъминлайди».


Улуғ Октябрь халқларнинг барқ уриб яшнаши ва жипслашуви учун кенг, равшан йўл очиб берди Ватанимиз меҳнаткашларининг мислсиз интернационал қардошлиги ўтган 60 йил мобайнида шу йўлдан ривожланиб мустаҳкамланди ва тарихий синовлар гирдобида чиниқди. СССР миллий масаланн чинакам адолатли тарзда ҳал этишнинг жозибадор тимсолидир.

Социалистик миллатларнинг давлат бирлигини мужассамлаштирган кўп миллатли Совет Иттифоқи озод халқлар қардошлигининг мустаҳкам қўрғони сифатида муносиб шуҳрат қозонди. Куч-қудратимизнинг манбаи ва коммунизм учун курашда кишиларни ғалабаларнинг гарови ҳам мана шунда. СССР Давлат гимнидаги қуйидаги сўзлар қонуний ватанпарварлик иқтихори туйғуси билан суғорилган:

Озод Ватанимиз, ортсин шон-шуҳратинг,
Эллар метин дўстлигин мехвари!

(«Правда» газетасининг 12 сентябрдаги бош мақоласи).

РЕСПУБЛИКАМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЮБИЛЕЙ ВАХТАСИДА



СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ. Ленин йўли районидаги Будённий номли совхоз далаларида 120 пахта териш машиналари унум билан ишлай бошлади. Хўжалик меҳнат аҳли 90 процент ҳосилни «зангори кема»лар ёрдамида териб олишга аҳд қилишган. Суратда: илғор механизатор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Хўжамқул Рустамов бош бўлган бригада аъзолари гектаридан 31 центнердан хирмон кўтариб, йиллик планни бажардилар.

И. Хўжаев фотоси, (ЎзТАГ).

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

Республика областларида пахта теримининг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда теришган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

Бухоро	2.36	23,92	1,22	3,88
Фарғона	2.07	21,37	1,26	5,33
Қашқадарё	2,20	17.07	1,73	6.07
Андижон	1,74	13,32	0,36	0,63
Сурхондарё	1,50	12.03	1,26	4,48
Наманган	1,60	11,67	0,78	1,30
Самарқанд	1,14	9,15	0,28	0,51
Хоразм	1,41	8,21	0,27	0,58
ҚҚАССР	1,22	6,49	0,47	0,76
Тошкент	2,00	5,78	1,48	2,82
Сирдарё	1,10	4,15	1,08	2,78
Жиззах	1,50	2,35	1,79	2,07
Республика бўйича:	1,68	12,26	0,98	2,55

Шу жумладан ингичка толали пахта

Наманган	0,82	14,32
Бухоро	0,91	13,24
Сурхондарё	0,97	10,87
Қашқадарё	1,04	8,71
Республика бўйича:	1,06	10,59

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚАНДАЙ БОРЯПТИ?

Республикамиз областларида ғўза дефолиациясининг бориши тўғрисида шу йил 13 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда дефолиация қилинган майдон; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

СИРДАРЁ	10,0	191,5
ТОШКЕНТ	6,2	180,8
ЖИЗЗАХ	12,4	176,7
НАМАНГАН	7,4	103.5
ҚҚАССР	10.5	98,8
Сурхондарё	9.8	96,3
Андижон	10,4	91,6
Бухоро	10,0	87,5
Қашқадарё	6.9	87,4
Хоразм	11,2	86.5
Фарғона	6,4	85,0
Самарқанд	9,2	85,0
Республика бўйича:	9,2	115,0

ТЕНГЛАРНИНГ ТЕНГИ

СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ ВИСТАВКАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ССР КУНЛАРИ

МОСКВА, 13 сентябрь. (ЎЗТАГ махсус мухбири В. Остролуцкий). Ўзбекистон делегацияси эрталаб пойтахтнинг Қизил майдонига келди. В. И. Ленин Мавзолейига гулчамбар қўйилди. Бу — мамлакатимиз халқларини ягона аҳил оилага уюштириб, уларга бахт-саодат, равнақ сари кенг ва порлоқ йўл очиб берган Ильичга чексиз садоқат рамзидир. Делегация В. И. Ленин мақбарасини зиёрат қилди.

Ўша куни Номаълум солдат қабрига ҳам гулчамбар қўйилди. Ўзбекистон намояндалари Улуғ Ватан уруши йилларида ҳалок бўлган жангчиларнинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эслаб ўтдилар.

... Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси — мамлакатнинг бош кўргазмаси азиз меҳмонларни шод-хуррамлик билан кутиб олади. Қирмизи транспарантларга самимий таклиф сўзлари ёзилган: «Азиз ўзбек дўстлар, хуш келибсиз». Қудратли репродукторлар ўзбек куйларини бутун виставка бўйлаб эшиттирмоқда. Юзлаб москвaликлар, пойтахт меҳмонлари виставканинг марказий мажлис залига қараб йўл олади. Бу ерда бугун Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очиладиган Ўзбекистон ССР кунларига бағишланган матбуот конференцияси ўтказилади.

Конференцияда ленинча Коммунистик партия раҳбарлигида Октябрдан кейинги олтмиш йил мобайнида Ўзбекистон ССР босиб ўтган шонли йўл тўғрисида гапириб берилди. Журналистларнинг саволларига делегация аъзолари — министрлар, республика идораларининг раҳбарлари, олимлар жавоб қайтардилар. Улар Совет Ўзбекистонининг бугунги кундаги барча муваффақиятлари ленинча миллий снёсат улуғ принципларини амалга оширилганлигининг, КПСС доно раҳбарлигининг натижаси эканлигини таъкидлаб ўтдилар. Улуғ Октябрь социалистик революцияси, деб таъкидлаб ўтишди нотиқлар, ўзбек халқини ижтимоий, иқтисодий ва миллий зулмдан озод қилди, Ўзбекистон меҳнаткашларини янги ҳаёт қурилишининг кенг ва порлоқ йўлига олиб чиқди, уларга ўзининг социалистик давлатини барпо этиш, экономика ва маданиятини гуркираб ривожлантириш учун шароитларни яратиб берди.

Ўзбекистон меҳнаткашларининг янги жўшқин ижодий кучи, ғайрати, деб таъкидланди матбуот конференциясида, барча совет кишилари учун тарихий воқеа бўлган Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига тайёргарлик туфайли, СССР Конституцияси лойиҳасининг муҳокамаси туфайли янада ортиб кетди. Республика меҳнаткашлари юбилей йили мажбуриятини шараф билан бажаришга — планга қўшимча равишда 400 миллион сўмлик саноат маҳсулоти етказиб беришга ва Ватан хирмонига 5 миллион 360 минг тонна «оқ олтин», кўпдан-кўп бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишга астойдил азм қарор қилишган.

«Бутун совет халқининг зўр ғайрати билан қилган меҳнати туфайли биз эски Россияда жуда оддий тушунча бўлган қолоқ миллий чекка ўлка деган тушунчани мутлақо йўқотишга эришдик». «Совет Ўзбекистони» юбилей виставкаси ўртоқ Л. И. Брежневнинг бу сўзларини ёрқин тасдиқлаб турибди. Бу юбилей кўргазмасининг экспозицияси Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг энг катта павильонларидан бири — «Совет маданияти» павильонида кенг қулоч ёзган. Экспозиция москвaликлар ва пойтахт меҳмонлари, юбилей виставкасини томоша қилиш учун матбуот конференциясига келган кишилар кўз ўнгида намоён бўлган пахта даласидан бошланганлиги табиийдир. Неча минг километр масофадан шу воқеа арафасида келтирилган оппоқ пахта деҳқонларнинг меҳрибон қўли ҳароратини бамисоли сақлаб тургандек.

«Деҳқончилик» бўлимида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати Турсуной Охунова эришган муваффақиятлар тўғрисида ҳикоя қилинади. Унинг меҳнатига КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг кечагина йўллаган мактубида юксак баҳо берилди. Турсуной Охунова бошлиқ бригада коллективи юбилей йилида ҳар гектар ердан 60 центнер «оқ олтин» топширишни мўлжаллаб қўйди. Бригада бошлиғининг ўзи эса мавсумда 460 тонна пахта теришга аҳд қилган. Бригада ўз мажбуриятини муддатидан илгари, 15 октябргача бажаришни мўлжаллаб турибди.

Кўпдан-кўп рангли телеэкранларда Ўзбекистон меҳнаткашларининг — пахтакорлар ва металлурглар, шоликорлар ва оловкорлар, авиаторлар, балиқчилар, чўлқуварларнинг шонли ишлари тўғрисидаги телефильмларнинг кадрлари бирин-кетин намоён бўлади. Виставка стендларида, проспектларда «Кибернетика институти», «Самолётсозлик», «Атом реактори» деган номлар тез-тез кўзга ташланиб туради... Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда бундан бор-йўғи 60 йил муқаддам ҳар юз кишидан фақат иккн кишигина ўқиш ва ёзишни билган, саноат ишлаб чиқариши эса ярим кустарлик корхоналаридан иборат бўлган Ўзбекистонда эндиликда мавжуддир.

Мана ҳужжатли фотосуратлар: йигирманчи йилларнинг ўрталарида Бўзсув ГЭСи ишга туширилган. Бу ГЭС ленинча ГОЭЛРО плнига биноан қурилган. Республикадаги барча электр станцияларнинг ўшандаги қуввати ўн минг киловаттдан ортмаган бўлса, эндиликда Сирдарё ГРЭСининг биргина ўзи 1,5 миллион киловатт қувватга эгадир. Матбуот конференциясида айтилганидек, Урта Осиёдаги бу энг катта иссиқлик станциясида йил охирига қадар яна иккита 300 минг киловаттли турбина ишга туширилади.

Виставка бўлимларидан бирндаги стенд ёнида москвaлик мўйсафид, эндиликда пенсионер Иван Стадниченкони томошабинлар даврасида учратдик.

— Республиканинг барпо этилаётган саноатига ёрдам бериш учун Ўзбекистонга Москвадан 1932 йилда борган мутахассисларнинг катта группасида бўлиш менга ҳам насиб этган эди, —деб эслайди ветеран. — Инженер ва техниклар, шу билан бирга турли касб-кор эгалари бўлган ишчилар ҳам Ўзбекистонга боришди. Бизнинг группамиз ёлғиз эмас эди. Мана энди эса ўқиб турибман: Ўзбекистон олий ўқув юртлари ўтган йили халқ хўжалигининг ғоят турли тармоқлари учун 74,2 минг юқори малакали мутахассис тайёрлаб берибди. Бу қадар қисқа вақт ичида шунчалик равнақ топиш қаерда, қайси мамлакатда бўлиши мумкин? Бизнинг тенг ҳуқуқли ва чинакам озод совет республикаларимизнинг бузилмас ва аҳил иттифоқидагина бўлиши мумкин!

Қорақалпоғистон виставкада алоҳида бўлимда намойиш қилиб кўрсатилган. Автоном республика меҳнаткашларининг бугунги куни, КПСС XXV съезди чизиб берган бунёдкорлик программасини муваффақиятли бажаришга бўлган уларнинг жуда катта интилишлари тўғрисида қўпдан-кўп экспонатлар ҳикоя қилади. Чиндан ҳам бунёдкорлик программасидир: асрлар мобайнида бекор ётган ерларда партия съездининг қарорига биноан шоликорликнинг улкан зонаси барпо этилмоқда. Фотограф томонидан бундан икки йил муқаддам ва шу йил ёзда битта нуқтадан олинган икки манзара таққослаш учун намойиш этилади. Биринчи суратда жонсиз ётган қум барханларига ҳужум қилаётган бульдозерлар колоннаси тасвирланган; иккинчи суратда қаторлашиб турган уйлар кўзга ташланади.

Томошабинлар машинасозликка, енгил саноат ва кончилик саноатига бағишланган стендлар ёнида узоқ вақт тўхтаб қоладилар. Бу тармоқ маҳсулотларининг кўпчилиги республикадан, ҳатто мамлакатдан ташқарида ҳам машҳурдир — булар энг яхши тўқимачилик машиналари ва кабеллар, ер қазийдиган техника ва газламалар, нафис чинни, қоракўл, рангли металлар, мармардан ишоратдир. Ўзбекистон мамлакатнинг марказий районларини, индустриал Урални, Қозоғистон, Қирғизистонни саховат билан таъминлаётган газ ҳам шулар қаторида албатта.

Мамлакат — Ўзбекистонга, Ўзбекистон — мамлакатга — юбилей виставкасининг ёркин ва яққол ҳикоясидаги бу икки фикр бир-биридан ажралмасдир. Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳўжалик ва маданий қурилишда эришган ўзларининг барча муваффақиятлари учун Советлар мамлакатидаги барча қардош халқлардан миннатдордир. Куч-қудратимиз дўстликда ва жонажон Коммунистик партия теварагида жипслашганлигимиздир. Матбуот конференциясида бу фикр алоҳида таъкидлаб ўтилди.

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИ СЕССИЯСИГА

БМТ Бош Ассамблеясининг XXXII сессияси 20 сентябрь куни очилиши муносабати билан СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико бошчилигида СССР делегациясини тасдиқлади.

Украина ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри Г. Г. Шевель бошчилигида Украина ССР делегациясини тасдиқлади.

Белоруссия ССР Министрлар Совети республика ташқи ишлар министри А. Е. Гуринович бошчилигида Белоруссия ССР делегациясини тасдиқлади. (ТАСС).

ФАН ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Тошкентдаги сессияси

В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мамлакатимизда пахтачиликни янада ривожлантириш проблемаларига ва фаннинг вазифаларига бағишланган илмий сессияси Тошкентда ўз ишини давом эттирмоқда. Сессияни ўтказишда СССР Қишлоқ хўжалиги, Мелиорация ва Сув хўжалиги министрликлари, Ўзбекистон, Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистон фанлар академияларн, шу республикаларнинг қишлоқ хўжалик министрликлари иштирок этмоқдалар.

Мамлакатнинг таниқли олимлари қишлоқ хўжалиги мутахассислари билан биргаликда тадқиқотларни ривожлантириш, пахтачилик тўғрисидаги фаннинг энг муҳим масалаларини ишлаб чиқиш самарадорлигини ошириш ҳамда «оқ олтин» етиштиришни кўпайтириш ва унинг сифатини оширишга қаратилган илмий тавсияларни жорий этиш, КПСС XXV съезди қарорларини муваффақиятли бажариш, Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашга олимлар, қишлоқ механизаторлари қўшадиган ҳиссани бутун чоралар билан ошириш йўлларини белгилаб олдилар.

13 сентябрь куни сессияда секция мажлислари ўтказилди. «Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши экономикаси ва уни ташкил этиш» секциясида кўпгина масалалар кўриб чиқилди. Бу секцияга Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Н. П. Александров, шу академиянинг мухбир аъзоси Х. М. Жалилов Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси К. И. Лапкин раҳбарлик қилдилар. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ихтисослаштириш ва концентрациялашни кучайтириш, унинг самарадорлигини ошириш ва хўжалик ҳисобини мустаҳкамлаш, пахтачиликда махсулот сифатини бошқариш меҳнат унумдорлигини ошириш моддий рағбатлантиришни такомиллаштириш, хўжаликларда капитал маблағлар самарадорлигини ўстириш, хўжаликлараро кооперацияни ривожлантириш проблемалари ёритиб берилган докладлар кўриб чиқилди. Бир қанча актуал проблемаларни ҳал этиш соҳасида қардош республикаларда тўпланган тажриба умумлаштирилди.

«Ерларни мелиорациялаш ва суғориш» секцияси ишига Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг мухбир аъзолари Б. Б. Шумаков ва А. М. Муҳамедов раҳбарлик қилдилар. Бу секцияда қилинган докладлар турли пахтачилик зоналарида ерларни мелиорациялаш ва суғоришни ривожлантиришнинг илмий асосларига, ғўзани илдизидан суғоришни ишлаб чиқаришга жорий этиш, табиий шароитларга қараб суғориш технологияси механизацияси ва перспектив схемаларга тааллуқли бўлди. Минераллашган сувларни Урта Осиё шўрхок ерларини суғоришда ва шўрини ювишда ишлатиш, тик ва горизонтал фойдаланишнинг илғор тажрибаси ва истиқболли, гидромелиорация системаларини такомиллаштириш ва ундан фойдаланиш йўллари, Урта Осиё регионидаги қайир ерларни ўзлаштириш, максадида дарё окимлари ва уларнинг ўзанларини тартибга солиш хусусидаги актуал масалалар кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ж. К. Саидов билан В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. Н. Назиров раҳбарлик қилган «Ғўза биологияси» секциясида ундан кўпрок илмий доклад муҳокама қилинди. Докладларда пахта хосилдорлигини оширишнинг биологик резервлари билан боғлиқ масалалар, ғўза радиобиологияси юзасидан тадқиқотларнинг якунлари ва истиқболлари, ғўзанинг шўрга чидамлилиги физиологик ва биохимик асосларини, ўсимликнинг илтга чидамлилик молекуляр механизмларни бошқариш имкониятларини ўрганишга доир масалалар батафсил ёритилди. Ҳосилдорликни ошириш максадида чигитни экишдан олдин нурлатиш методлари, вегетациянинг турли даврларида ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини жадаллаштириш йўллари, ғўзани минерал озиқлантиришни оптималлаштиришнинг физиологик асосларига тааллуқли янги маълумотлар, тадқиқотларнинг бошқа якунлари умумлаштирилди.

Ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги» секцияси Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги Н. В. Турбин, биология фанлари доктори А. А. Абдуллаев раҳбарлигида ишлади. Қардош пахтакор республикалар селекциячиларининг янги, самарали ва истиқболли навлар яратиш, ғўза генетикаси ва селекциясининг актуал вазифалари генофондини бойитиш йўллари, дунё ўсимлик ресурсларидан селекция ишида фойдаланиш, ғўза уруғчилиги проблемалари юзасидан олиб борган тадқиқот натижалари умумлаштирилган илмий докладлар муҳокамага тақдим этилди.

«Алмашлаб экиш ва ғўза агротехникаси» секцияси ўз мажлисларини Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги С. Г. Скоропанов, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. В. Муҳаммаджонов, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси А. И. Имомалиев раҳбарлигида олиб борди. Суғориладиган ерлар унумдорлигини тубдан ошириш проблемалари тупроққа ишлов бериш юзасидан тадқиқотларнинг якунлари ва бу тадқиқотларнинг асосий йўналишлари, ана шундай ишлов бериш усулларини тақомиллаштириш проблемалари, пахта—беда алмашлаб экиш самарадорлигини ошириш йўллари муҳокама қилинди. Докладчилар баркарор мўл пахта ҳосили олаётган илғор хўжаликларнинг тажрибасини умумлаштирдилар, шунингдек ўсимликнинг энг мақбул қалинлиги, ғўза дефолиацияси ва десикациясига доир тадқиқотларнинг бориши кўриб чиқдилар.

«Агрохимия ва тупроқшунослик» секциясида ўғитлар, ихота дарахтзорлари самарадорлигини ошириш усуллари тўғрисидаги, тупроқни эрозиядан муҳофаза қилиш ҳақидаги илмий докладлар тингланди. Бу секцияга Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси С. Н. Рижов, шу фанлар академиясининг мухбир аъзоси В. В. Егоров ва қишлоқ хўжалик фанлари доктори Т. С. Зокиров раҳбарлик қилдилар. Докладларда суғориладиган ерларга сифат жиҳатидан баҳо бериш, минераллашган сувлар билан суғориш у ёки бу ўғитдан фойдаланиш чоғида ана шу ерларнинг унумдорлигини ошириш билан боғлиқ тадқиқотларнинг якунлари чиқарилди.

«Усимликларни ҳимоя қилиш» секциясининг иши Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиги Ю. Н. Фадеев, Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Н. Нарзикулов, фан докторлари З. А. Рагимов ва С. Н. Алимуҳамедов раҳбарлигида ўтди. Мажлис қатнашчилари мамлакатнинг пахтачилик зонасида ўсимликларни ҳимоя қилишнинг аҳволи ва бу ишни ривожлантириш истиқболларини, ғўза зараркунандаларига қарши, бегона ўтлар ва касалликларга — авало вилтга қарши курашнинг илғор методларини ишлаб чиқишни жадаллаштириш йўлларини кўриб чиқдилар. Ғўзани ҳимоя қилишнинг олимлар томонидан яратилган интеграциялашган системалари, ғўза касалликлари ва зараркунандаларига қарши курашнинг биологик методлари, бегона ўтларга қарши курашнинг химиявий ва агротехникавий тадбирлари муҳокама қилинди.

«Механизация, электрлаштириш ва автоматлаштириш секциясининг мажлиси Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг академиклари Л. Г. Пришнела, Г. М. Рудаков, Л. Н. Кошкин ва шу академиянинг мухбир аъзоси Т. Г. Зинин раҳбарлигида ўтди. Мажлисда пахтачиликда комплекс механизациялашнинг актуал вазифалари тўғрисидаги, пахта ҳосилини териш учун технологияни ва машиналар комплексини такомиллаштириш ҳақидаги, суғоришни механизациялаш, пахтачилик учун машиналар системасини яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг истиқболлари ва асосий йўналишлари тўғрисидаги докладлар кўриб чиқилди. Секцияда илғор хўжаликларда ғўза парваришининг илғор технологиясини жорий этиш ва уни механизациялаш тажрибаси батафсил кўриб чиқилди.

Секцияларда илмий сессиянинг барча пахтакор республикаларда «оқ олтин» етиштиришни янада ривожлантиришга доир бераган тавсияларнинг лойиҳалари батафсил муҳокама қилинди. Олимларнинг якдиллик билан билдирган фикрига кўра, секция мажлисларида ижодий фикрлашиб олиш самарали ва фойдали бўлди.

Бутуниттифоқ Қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг сессияси ўз ишини давом эттирмоқда. (ЎзТАГ).

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

РЕЗЕРВЛАР — БЕШ ЙИЛЛИК ХИЗМАТИДА

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

МУСОБАҚА — МИЛЛИОНЛАР ИЖОДИ

СЕНТЯБРЬ 1977 ЙИЛ 8—9 (43)

ИҚТИСОДИЙ ОБЗОР

ТЎЛА ФОЙДАЛАНИЛМАЁТГАН ХАЗИНА

Излаган хазинага йўлиқади, дейишлари бежиз эмас. Ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан қайта қуроллантириш, планлаштиришни яхшилаш, хўжаликни бошқаришни такомиллаштириш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ҳар бир кишининг топширилган иш юзасидан масъулиятини ошириш, қолоқларга ўз вақтида ва яқиндан ёрдам кўрсатиш — ана шу масалалар комплексини қадам-бақадам ҳал этиб бориш хазинага йўлиқтириш йўлларидир.

Хазина кўз олдимизда, ҳатто оёғимизнинг остида. Унинг номи резерв деб юритилади. Ишлаб чиқаришда фойдаланилмай ётган резервлар аллақанча. Излаган, ҳаракат қилган ишлаб чиқариш коллективлари резервларни ҳаракатга келтириб, беш йиллик топшириқларини ado этишда ҳақиқатан ҳам қувончли натижаларга эришмоқдалар. Тошкент шаҳар саноат корхоналарининг коллективлари ишлаб чиқариш участкаларида резервлардан самарали фойдаланиш йўли билан Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига олган мажбуриятларини знёда бажаришга сафарбар этишдан иборат олижаноб ҳаракатни бошлаб бердилар.

Республика пойтахтидаги электрон техника, кабель заводлари, «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи ва мутахассисларининг ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга, кенг ёйишга арзигулик ҳаракат. Резервлар — катта бойлик. Ундан ишнинг кўзини билиб фойдаланган корхоналар, қурилиш ва транспорт ташкилотлари юксак социалистик мажбуриятларини бажаришда янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритмоқдалар. Республикамизнинг барча областлари, Қорақалпоғистон АССР ва Тошкент шаҳри кўзланган улкан марра сари дадил интилиб, юбилей йили саноат маҳсулоти реализация қилиш саккиз ойлик топшириқларини анча оширди бажардилар.

Саккиз ойликнинг асосий якунлари нималардан иборат? 1977 йил январь-август ойларида республика саноат маҳсулоти реализация қилиш план топшириғини 102,9 процент бажарди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 4,2 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 2,7 процент ортди. Зўр ғайрат-шижоат билан меҳнат қилаётган республика қурилиш-монтаж ташкилотлари 1976 йилнинг саккиз ойидагига қараганда кўпроқ асосий фондларни ишга туширди, анча зиёд капитал маблағ ўзлаштиришга эришдилар. Ўрта Осиё темир йўли, республика граждан авиацияси бошқармаси ва автомобиль транспорти ташкилотлари иқтисодий-техника кўрсаткичларини яхшиладилар.

Бироқ, айрим корхоналар, бирлашмалар, министрликлар август ойида қолоқликдан чиқиш учун астойдил курашмадилар. Оқибатда Жиззах области саноат маҳсулоти реализация қилиш планини, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Фарғона областлари, Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочсозлик саноати министрлиги маҳсулот тайёрлаш ҳажми бўйича ўтган ой топшириғини ado этмади. 54 саноат корхонаси январь-август планларини маҳсулот реализация қилиш плани сингари муҳим кўрсаткич бўйича удалай олмади. Пировард натижа шу бўлдики, бу корхоналар ўтган ойларда 31 миллион сўмлик кам маҳсулот бердилар.

Бу шуни кўрсатадики, баъзи партия, совет ташкилотлари ва министрликлар ҳануз план ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилмаслиги сабабларини чуқур таҳлил қилмаётирлар, йўл қўйилган камчилик ва қолоқликнинг олдини олиш ,резервларни ишга солиш ҳақида жонкуярлик қилмаяптилар. Афсуски ,бундай аҳвол қурилиш, монтажлаш ташкилотларида ҳам рўй бермоқда. Масалан, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги қурилиш-монтаж ишлари умумий планини бажаргани ҳолда «Алмаликсвинцстрой», 7, 8, 13, 14, 163, 165-трестлар ва «Узградострой» бирлашмасида қолоқликка йўл қўйди.

Машина-ускуналар қувватидан тўла фойдаланиш, тежамкорлик, ҳар сменада планга қўшимча маҳсулот тайёрлаш, самарадорликни ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш бугунги кунниинг энг муҳим талабидир.

План интизоми мустаҳкамланмаса, мавжуд барча резервлар ҳаракатга келтирилмаса, олинган юксак социалистик мажбуриятларни бажариш хавф остида қолади. Ишчи минутларининг ҳар дақиқасидан омилкорлик билан фойдаланайлик. Меҳнат унумдорлигини ошириш билан боғлиқ барча имкониятлардан самарали фойдаланишга эришайлик. КПСС XXV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари асосида ишлаб, Улуғ Октябрь юбилейи шарафига олинган мажбуриятларни, 1977 йил планини, беш йиллик топшириқларини барча кўрсаткичлар бўйича орттириб бажариш учун барча куч ва имкониятларни резервлардан ишнинг кўзини билиб фойдаланишга қаратайлик.



К. Е. Ворошилов номли Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ташсельмаш» заводи ишчилари ва инженер-техник ходимлари резервлардан самарали фойдаланиш туфайли қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалдагидан кўпроқ «зангори кема»лар етказиб беришга эришмоқдалар. Суратда: (чапдан) корхона 14-цехи нафар ишчиларидан Р. Қосимов, А. Задайхонов ва А. Лядвейкин.

А. Тўраев фотоси.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОМАНДИРЛАРИ МИНБАРИ

ТАШАББУС АСОСИДА

Республика озиқ-овқат саноатининг йирик корхоналаридан бири ҳисобланган ёғ-мой комбинатимиз коллективи КПСС XXV съезди тарихий қарорларини муваффақиятли амалга ошириш йўлида катта ютуқларни қўлга киритмоқда. Мавжуд резерв ва имкониятлардан омилкорлик билан фойдаланиб ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилашга друст натижаларга эришилаётгани фикримизнинг далилидир. Бу борада айниқса «Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Электрон техника» заводи ва «Ташкентқабель» заводлари ишчи-хизматчиларининг резервларни ишга солиш тўғрисидаги ватанпарварлик ташаббуси айни муддаомиз бўлди.

Ташаббус асосида социалистик мусобақани ташкил этишни такомиллаштириш, мавжуд қувватлардан, асбоб-ускуналардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқариш маданиятини оширишга қаратилган тадбирлар комплексини белгилаб чиқдик. Ишлаб чиқаришни юксалтиришга ёрдам берадиган барча омилларни қидириб топиш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳар бир ишчи ва хизматчининг муҳим вазифасига айланди.

Йилимизнинг ўтган ойларидаги меҳнатимиз чакки бўлмади. Давлат плантопшириқлари ошириб ado этилмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажми ошиб боряпти. Товар маҳсулотлари реализация қилиш бўйича саккиз ойлик план муддатидан илгари бажарилди. Пландан ташқари 1 миллион 600 минг сўмликдан знёд маҳсулот реализация қилинди. Бу социалистик мажбуриятда белгиланганидан бир неча юз минг сўм кўпдир. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 10 процентдан зиёд бўлди ёки 3 миллион сўмлик кўп маҳсулот тайёрланди. Маҳсулот турларини ишлаб чиқариш бўйича кўзланган мақсадларга ҳам эришяпмиз. Биргина аралаш ёғдан еттн ой ичида планга қўшимча 1300 тонна тайёрланди. Бу билан коллективимиз маҳсулотнинг ана шу тури бўйича йиллик ишлаб чиқариш социалистик мажбуриятини ҳам шараф билан уддалади.

Мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш ва асбоб-ускуналарни такомиллаштириш юзасидан кўрилган чоралар туфайли пахта мойи ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Жумладан, йил бошидан буён планга қўшимча 1000 тонна тозаланмаган ёғ тайёрланди. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида эришаётган ютуқларимиз ҳам мақтовга молиқдир. Ўтган ойлар ичида бу муҳим кўрсаткич планга нисбатан 3 процент ошди. Уй-рўзғор ишларида кенг ишлатиладиган Марғилон ёғларини тайёрлаш ҳажми ҳам кун сайин ортиб боряпти.

Меҳнатсевар, аҳил ва иноқ коллективимиз маҳсулот сифатини яхшилашга, технология жараёнларини такомиллаштиришга катта эътибор бермоқда. Бугунги кунда комбинат тамғаси билан чиқаётган маҳсулотларимизнинг уч турига давлат Сифат белгиси берилган. Ишлаб чиқариш ҳажми, меҳнат унумдорлигининг ортиши, маҳсулот сифатининг яхшиланиши ва қатъий план интизоми олинаётган фойда ҳажмини кўпайтирялти. Ўтган саккиз ой ичида 1976 йилнинг шу даврига нисбатан икки баравар кўп фойда олдик.

Шу кунларда корхонамиз цехларида бўлган ҳар бир киши юксак кўтаринкилик билан меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларимизнинг катта яратувчилик ишларига гувоҳ бўлишади. Пойтахтнинг уч илғор корхонаси бошлаган юксак ватанпарварлик ташаббусига «лаббай» деб жавоб берган корхонамиз коллективи қўлга киритилган ютуқларни янада мустаҳкамлаш, ўз фаолиятлари самарасини тобора кўпайтириш учун астойдил меҳнат қилмоқда.

Мажбурият олдикми, бажарамиз! Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигини меҳнатда янги ютуқлар билан кутиб оламиз.

А. ПЎЛАТОВ,
Тошкент ёғ-мой комбинати директори.

СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

ШАРТНОМАГА ҚАТЪИЙ АМАЛ ҚИЛИШ — ҲАММА УЧУН ҚОНУН

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Ангренский» разрези маъмурияти ҳар йили «Средазуголь» ишлаб чиқариш бирлашмасининг автобазаси ва Тошкент область юк ташиш автомобиль трестининг автокорхонаси билан шартнома тузади. Унга кўра, автокорхоналар раҳбарлари разрез ишчиларига кон усти очилгандаги тупроқни ташиш учун самосвраллар етказиб бериши керак.

Кончилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги нишонланадиган юбилей йилида планга қўшимча 90 минг тонна кўмир қазиб олиш ҳамда 180 минг куб метр ҳажмда кон устини очиш мажбуриятини олишган. Ҳозирча кўмир қазиб олиш кўнгилдагидек кетмоқда. Мажбурият ошириб бажарилиб, пландан ташқари 122 минг тонна тошкўмир истеъмолчиларга жўнатилди. Юқорида «ҳозирча» деган сўзни ишлатганимизнинг сабаби шундаки, шахтёрлар кўп ўтмай оқсаб қолишлари мумкин. Негаки, кон устини очувчилар планларини удалай олмаётирлар. Йил бошида 96 минг куб метр ҳажмида кам иш бажарган эдилар. Иккинчи кварталга келиб планлари 166 минг куб метрга тўлмай қолди. Кон устини очиш планларининг ado этилиши, айниқса, Л. Синицкий бошлиқ 9-участкада ёмон аҳволда. У учинчи ойдирки, ишлаб чиқариш программасини ado этолмай, деярли 200 минг куб метр ҳажмида кам тупроқ сурди.

Бригада учун август ойи ҳам хурсандчилик келтирмади. Коллектив дастлабки ўн кун ичида кон устидан 38 минг куб метр ҳажмида кам тупроқ сурди.

Хўш, нима учун биз Л. А. Синицкий участкаси ҳақида гап юритмоқдамиз? Гап шундаки, барча самосвраллар худди мана шу бригадага ажратилган. Маълумки, участка коллективи қалин қатламли тошкўмир устидаги тупроқларни олиб ташлаб, темир йўл ётқизиш учун трасса тайёрлайди. Бунинг учун тўққизинчи участка ишчилари тошкўмир устидаги тупроқларни самосвалларга юклаб, четга чиқариб юборишлари керак. Ана шунда кўмир қазиб олувчиларга иш фронти яратиб берилади. Демак, кон устини очувчилар планларини бажармай, иш фронти яратиб беролмас эканлар, шахтёрларнинг ҳам ҳадемай қизариб қолишлари ҳеч гапмас. «Ҳозирча» деганимизнинг сабаби ана шунда.

Тўққизинчи участка разрезда энг мураккаб вазифаларни ҳам ҳал эта оладиган коллективлардан бири. Бироқ бу ерда автотранспорт масаласи анчадан бери муаммога айланган. Натижада участкадаги 7 та экскаватор бригадаси зиммасидаги юксак мажбуриятни бажариш у ёқда турсин, смена топшириқларини ҳам уддалай олмаяпти. Юксак унумли ва қимматбаҳо техника кўпинча бекор туриб қоляпти.

Фикримизнинг далили учун шу йилнинг 21 июлидаги иш жараёнини олайлик. Участка биринчи сменада 10 та «БелАЗ» ва 14 та «КрАЗ» олди. Шу пайтдаги экскаватор машинистларининг хурсандчилигини кўрсангиз эди?!

— Қойил! Мана энди ишимиз юришиб кетади! Планни ошириб бажарамиз!

Бироқ машинистларнинг шодлиги узоққа чўзилмади. Биринчи сменанинг ўзидаёқ тўртта «БелАЗ» ва 5 та «КрАЗ» ишдан чиқди. Қолган иккита сменада ҳам аҳвол яхшиланмади. Оқибатда участка бир сутка давомида планлагидан 2 минг куб метр ҳажмида кам кон устини очиш ишларини бажарди.

Айтишларича, 21 июль энг кўп автомобиль транспорти ажратилган кун экан. Бошқа кунлари эса 5-8 та «БелАЗ» ва ундан сал кўпроқ «КрАЗ»лар сменага чиқади. План бўйича участка бир сутқада қарийб 16 минг куб метр кон устидаги тупроқни ташиши зарур. Бунинг учун ҳар сменада 15 та «БелАЗ» ва 20 та «КрАЗ» мунтазам ишлаб турмоғи даркор.

Энди 9 августдаги аҳволни кўрайлик. Биринчи сменага 7 та «БелАЗ» (шундан биттаси синаб кўриш учун трассага чиқарилган), иккинчи ва учинчи сменаларга эса 5 тадан машина юборилди. Лекин, уларнинг унуми ҳеч кимни қониқтирмади. 45-машина 26, 21-машина 16, 42-машина 7, 28-машина 4 марта қатнади, 29-машина эса бир марта қатнаб, дом-даракси йўқолди. Машиналар қатнови ўртасидаги фарқ нега бунчалик катта? Бир марта қатнаган машинанинг соат 10 дан 17 гача қаерда бўлганлигини ҳеч ким билмайди. Етти марта қатнаган машина ҳам соат 11 дан 13 гача йўқ бўлиб кетди. Худди шу аҳвол иккинчи ва учинчи сменаларда ҳам такрорланди.

«Средазуголь» бирлашмаси автобазаси (директори В. М. Данилов) раҳбарлари юқоридаги машиналар ҳайдовчиларининг фаолиятини назорат қилмайдиларми? Бундай дейиш нотўғриоқ бўларди. Эксплуатация хизмати бошлиги разрезга тез-тез келиб, туради. Бироқ унинг келиб-кетиши дом-даракси йўқолган ҳайдовчилар исми-шарифини аниқлашдан нарига ўтмайди.

Ҳозир автобазада 23 та «БелАЗ» бор. Аммо ярмидан кўпи бекор турибди. Ё капитал ремонт қилиняпти, ё техника кўригидан ўтмоқда.

Тўғри, кон устини очиш осон иш эмас. Ҳайдовчилар ёнилғининг ортиқча сарфланаётганидан, қоплама резиналарнинг тез ейилаётганидан зорланишади. Хўш, ҳайдовчилар шикоят қилганидай разрез йўллари ёмонми? Йўқ, ундай эмас! Ҳамма гап автохўжаликда ремонт ишларининг қониқарсиз ташкил этилганлиги, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслигида. Бунинг устига автобазага 1977 йилда 8 та янги «БелАЗ» ваъда қилинган эди. Мана йилнинг саккиз ойи ўтди ҳамки, автобаза биронта машина олмади.

Автобазада меҳнат интизоми ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Кадрлар қўнимсизлиги яққол кўзга ташланади. Аниқроқ айтадиган бўлсак, тажрибали ҳайдовчилар бошқа корхоналарга ўтиб кетгач, «БелАЗ» сингари мураккаб машиналарни бошқариш тажрибасиз, ёш ҳайдовчиларга топширилган. Бу, меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига олиб келди.

72-автокорхона (директори И. Е. Ланин)да ҳам ишлар қониқарли эмас. Сўнгги уч ой мобайнида у ҳам тўқ-қизинчи участкага «КрАЗ»ларни мунтазам етказиб бермаяпти. Ваъда қилинган 30 та янги машинадан биронтаси ҳали келгани йўқ.

Автокорхона директори Иван Евдокимович Ланин кон устини очиш планлари бажарилишини хавф остида қолдириш нималарга олиб келиши мумкинлигини тушунди. У ҳайдовчилар зиммасига конкрет топшириқ — яқин кунлар ичида маррага етиб олишдай жиддий вазифани қўйди. Сўнгги кунлардаги ишнинг бориши, Ланиннинг сўзи билан иши бир эканлигидан далолат бермоқда. Масалан, 11 августда «КрАЗ» машиналари 6800 куб метр тупроқ ташиб, планни ошириб бажарди.

«Средазуголь» бирлашмасининг В. Данилов раҳбарлик қилаётган автобазаси ҳақида бундай илиқ гапларни айтиш қийин. Автобаза аҳволни яхшилаш, қарзларни тезроқ узиш тўғрисида ҳеч қандай чора-тадбир кўрмаяпти. Агар 9-участка кон устини очиш планларни барбод қилиб, кўмир қазувчиларга иш фронти яратиб бермаса, бунинг оқибати нима билан тугашини автобаза раҳбарлари наҳотки тушунишмаса? Бу ҳақда чуқур ўйлаб кўриш, кескин чоралар кўриш вақти келмадимикан?

А. КОСТИЧЕВ.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИДАН ХАБАРЛАР

САНОАТ

ЯНГИ ГАЗЛАМА

Комбинатимиз йигирув цехи коллективи янги хил газламалар ишлаб чиқаришга киришди. Лавсан-вискоза, лавсан-пахта хом ашёси аралашмаларидан тайёрланаётган бундай газламалар ювилганда киришмайди, ғижимланмайди, шунингдек, пишиқлиги, пардози билан олдинги матолардан анча устун туради.

Коллективнинг бу муваффақиятга эришиш тарихи жуда қизиқ. Тежаб қолинаётган лавсан, вискоза, пахта хом ашёси аралашмалари устида ўтказилган тажрибалар натижасида яратилган янги хил газламалар Тошкентда бўлган кўргазмада юксак баҳо олди. Шундан сўнг корхонада бу тур маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Лекин бунга келгусида фақат тежаб қолинган материаллар ҳисобигагина эришиб бўлмасди. Шу боисдан корхонамиз Могилёв шаҳри билан боғланди. Шаҳардаги лавсандан момиқ ва тола ишлаб чиқарувчи корхона коллективимизга кўплаб хом ашё етказиб берадиган бўлди. Дастлаб тежаб қолинган маҳсулотлар ҳисобига тайёрланган янги хил газламалар эндиликда ишлаб чиқаришга кенг йўл олди. Бу — бизнинг кейинги пайтларда ишга туширган ички резервларимиздан бири, холос. Резервлар ютуқларимиз манбаидир.

В. РАЙМУЕВА.

Намангандаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати инженери.

ҚУРИЛИШ

ТЎРТИНЧИ КВАРТАЛ ҲИСОБИГА

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига қадар икки йиллик планни бажариш мажбуриятини олган бригадамиз аъзолари кун сайин кўпроқ иш бажаришга, қурилиш материалларидан янада тежамкорлик билан фойдаланишга катта эътибор бермоқдалар. Ҳозир шаҳар марказида қад кўтараётган маданият саройи қурилишида ишлаяпмиз. Юбилейга қадар фойдаланишга топширилиши керак бўлган бу объектда асосий ишлар миҳоясига етди. Ғишт терувчилар, дурадгорлар, монтажчилар, усталар ва бетончилар ўз ўринларини пардозловчиларга бўшатиб беришди.

Барча ишларни хўжалик ҳисобида ташкил этган бригадамиз қурувчилари кўплаб ғишт, тахта, цемент, бўёқ сингари бинокорлик материаллари тежаб қолдилар. Иброҳим Рамазонов, Мансур Абдуллаев, Жўра Турсунов ўртоқлар бошлиқ қурувчилар бригадалари мусобақада пешқадамлик қилиб, бошқарма нўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар. Беш йиллик топшириқларини уч-тўрт йилда бажариш мажбуриятини олган қурувчиларимизнинг ғалаба байроғи шу кунларда юбилей йилининг тўртинчи кварталига ҳисобига иш бошлашди.

М. ҒАЙНАПОВ,
Сурхондарё область Шўрчи районидаги колхозлараро қурилиш бошқармаси бригада бошлиғи.

ТЕЖАЛГАНИ — НАҚД БОЙЛИК

РЕСПУБЛИКА САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИДАН ҚАНДАЙ ФОЙДАЛАНИЛМОҚДА?

Мамлакатимиз халқ хўжалигининг энергияга бўлган талаб ва эҳтиёжи йилдан-йилга ўсмоқда. Бу мамлакатимизнинг ёппасига электрлаштирилганлиги, электр технологиясининг кенг жорий этилаётганлиги, янги саноат корхоналари, қишлоқ хўжалиги объектлари, машина суғориш насос станцияларн, коммунал хўжалик корхоналари, турли-туман электр приборлар билан қуроллантирилган маиший хизмат муассасаларининг мунтазам суратда ишга туширилиши туфайли юз бермоқда. Истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлатимиз мамлакат энергетика қувватини ошириш учун барча чораларни кўрмоқда.

Фақат республикамизнинг ўзида 1976 йили қарийб 500 минг киловаттли қувватлар фойдаланишга топширилди. Аммо катта капитал маблағларни талаб қилувчи янги электр станциялар қуриш халқ хўжалигининг электр энергиясига талабини қондиришда ягона резерв эмас. Энергетика хўжаликларини эксплуатацня қилиш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар йили республикамиз электр станцияларн қувватини ошириш учун давлат маблағи сарфланмаган ҳолда қўшимча 400 миллион киловатт-соат электр ва 300 минг гигакалорий иссиқлик энергияси олиш мумкин. Тежамкорлик ва иқтисод қилиш ана шу улкан резервнинг асосий омилидир.

Халқ хўжалиги ресурсларидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш ҳар бир меҳнат коллективининг бурчига айланган. «Жамиятимизнинг бойлиги нақадар кўпаймасин, қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантиришнинг халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шарти бўлиб қолаверади, — деб таъкидлаган эди ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXV съездида қилган Ҳисобот докладида. — Ҳар бир сўмни ҳар бир меҳнат соатини, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаш ва ундан самарали фойдаланиш хўжасизлик ва тартибсизликнинг мутлақо тугатиш —бизнинг юксак партиявий бурчимиздир».

Ҳозирги кунда иссиқлик, энергетика ресурсларини аниқ сарфлаш, айниқса, муҳим аҳамиятга эгадир. Гап бу ерда саноат корхоналари ва коммунал хўжалик корхоналарида қаттиқ иқтисод қилиш режимига риоя этиш ҳақида боряпти. Энергияни етказиб берувчилар ва истеъмолчилар моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг самарадорлигини оширишлари керак. Ҳозирги замон ишлаб чиқариши ва энергиядан фойдаланишнинг кенг кўламларида электр ва иссиқлик энергиясини оз миқдорда ҳам тежаш республикамиз халқ хўжалигига катта иқтисодий самара келтиради.

Бу соҳада республикамиз саноат корхоналари муайян ютуқларни қўлга киритдилар. Шу йилнинг ярмида 147,3 миллион киловатт-соат электр ва 175,7 минг гигакалорий иссиқлик энергияси тежаб қолиндн. Улар энергетика ресурсларини тежаш юзасидан кўрилган 3766 та ташкилий-техникавий тадбирларни қўллаш эвазига қўлга киритилди. Бунда енгил саноат корхоналари коллективлари бошқаларга ўрнак бўлишяпти. Мазкур корхоналарда ўтган ярим йил ичида 12,8 миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қолинди бу нормада белгиланган энергия истеъмолининг 5,5 процентига тенгдир. «Ўзбекхиммаш» заводи коллективи эса 2,5 минг гигакалорий иссиқлик энергиясини тежаб қолишга муваффақ бўлди.

Бирок ҳамма жойда ҳам аҳвол кўнгилдагидек эмас. Шу йилнинг 7 ойи мобайнида саноат корхоналарида 3,8 миллион киловатт-соат энергия ортиқча сарфланган Ярим йил якунларига кўра 27 корхона пландагидан жами 4,5 миллион киловатт-соат электр энергиясини кўп харжлади.

Хўш энергетика ресурсларининг ортиқча сарфланишига сабаб нима? Сабаби битта. У ҳам бўлса, қаво ўтказиш мўриларн ва тирғак мўриларининг ёмон аҳволдалиги туфайли пахта мойи ишлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Жумладан, йил бошидан буён планга қўшимча 1000 тонна тозаланмаган ёғ тайёрланди. Шунингдек, меҳнат унумдорлигини ошириш борасида эришаётган ютуқларимиз ҳам мақтовга молиқдир. Ўтган ойлар ичида бу муҳим кўрсаткич планга нисбатан 3 процент ошди. Уй-рўзғор ишларида кенг ишлатиладиган Олмалиқ кон-металлургия ва Бекобод цемент комбинатлари. 5, 16-ғишт заводлари бошқармасида айниқса яққол сезилмоқда. Мана шу корхоналар фаолиятидаги камчиликлар туфайли йилига 50 миллион киловатт-соатдан знёд энергия кўкка сочрилялти.

Қаловини топса қор ёнади, деганларидек, камчиликларни бартараф этиш учун ҳар бир корхона, ҳар бир ташкилотда резерв ва имкониятлар мавжуд. Фақат принципиаллик, фаоллик, энергиядан оқилона фойдаланиш масалаларига кундий ёндашиш зарур, холос.

Энергия ресурсларининг бевосита ва билвосита исроф бўлаётганлиги корхоналар фаолиятини баҳолаш системасининг такомиллаштирилмаганлигига ҳам боғлиқдир Масалан, айрим министрлик ва идоралар ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларда энергия истеъмол қилиш планини белгилар эканлар, унинг қандай бажарилишини назорат қилмайдилар Корхоналар энергетика ресурсларидан фойдаланишнинг тасдикланган нормасига эга бўлмаган ҳолда Марказий статистика бошқармасига ҳисоб бермоқдаларки, оқибатда энергияни истеъмол қилиш аҳволини баҳолаш тартиби бузилялтн.

Энергия ресурсларини кузги-қишки даврда тежаш, айниқса, муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу даврда электр ва иссиқлик энергиясини истеъмол қилиш кескин ошади. Халқ хўжалигининг талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида энергетика системамиз зўр бериб ишлайди. Маълумки, тунги пайтда электр энергиясига талаб анча камаяди. Бироқ тонгги ва кечки соатларда барча электр станцияларининг энг юқори қуввати билан ишлаши ҳеч кимга сир эмас. Мана шунинг учун ҳам истеъмолчилар билан биргаликда электр станцияларн қувватларидан оқилона фойдаланиш зарурати келиб чиқади. Кўпгина саноат корхоналари коллективлари ўтган кузги-қишки даврда энергетикларга кўмаклашиш мақсадида электр печларн, юқори частотадаги электр аппаратларини ўчириб қўйдилар.

Шу туфайли кечки соатларда энергетика системаларида орттирма зўриқишни 400 минг киловатт-соатгача камайтириш имконн яратилди.

Ҳа, ҳар бир меҳнат коллективида иқтисод ва тежамнинг резервлари бор. Мана шунинг учун ҳам совуқ тушгунча кузги-қишки шароитда ишлашга тайёргарликни кучайтириш керак.

Т. ТОШПЎЛАТОВ,
«Ўзэнергосбыт» бошқармаси ишлаб чиқариш-техника бўлими бошлиғи.

СССР ЯНГИ КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИ УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲУНАР ТАЪЛИМИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Коммунизм қурилиши кенг авж олдирилган ҳозирги даврда халқ хўжалигига малакали кадрлар тайёрлаб бериш вазифаси ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда. СССР янги Конституцияси лойиҳасининг 45-моддасида СССР гражданлари илм олиш ҳуқуқига эга эканлиги, бу ҳуқуқ ёшларга умумий мажбурий ўрта таълим бериш билан бирга, ҳунар-техника таълимини, касб танлашга йўллаш системасини ривожлантириш йўли билан таъминланиши алоҳида қайд қилинган.

Шу нарса қувончлики, ўтган беш йил мобайнида областимизда ҳунар-техника билим юртлари шохобчаларини қарийб беш баравар кенгайди, ўқитувчилар ва мастерлар состави олий маълумотли мутахассислар билан мустаҳкамланди. Шу давр ичида ўн мингга яқин малакали ишчи тайёрланди.

Янги ўқув йилида мавжуд 20 та ҳунар-техника билим юртида машғулотлар бошланиб, уларда олти мингдан кўпроқ йигит ва қиз таълим олмоқда. Булардан 3700 кишига тегишли ихтисос билан бирга, умумий ўрта маълумот ҳам берилади.

Ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-ишлаб чиқариш базаси мустаҳкамланаётганлигини алоҳида таъкидлаш керак. Масалан, 117-техника билим юрти бу ўқув йилида 700 минг сўмлик ўқув-техника воситалари билан жиҳозланди.

Конституция лойиҳасининг 45-моддасида таълимни ҳаёт билан, ишлаб чиқариш билан узвий боғлаш масаласи олдинга сурилган. Шу муносабат билан мен баъзи мулоҳазаларни баён қилмоқчиман.

Гап ҳунар-техника таълими ҳақида бораркан, биз область халқ хўжалиги тараққиётининг истиқбол режаларини эътиборга олган ҳолда иш кўришимиз лозим. Областда йиллакашлик фабрикаси ишга туширилди, ёғ-экстракция заводи, гиламчилик комбинати бунёд қилинмоқда. Уларга малакали ишчилар керак. Мавжуд ҳунар-техника билим юртлари эса фақат ўзларининг база ташкилотлари учун кадрлар тайёрлаб беради. Демак, йирик саноат тармоқлари, электр ва газлаштириш корхоналари, енгил саноат шохобчалари ўзларига мутахассислар етиштириб берадиган техника билим юртларига эга бўлишлари зарур.

Ёки қурилишни олайлик. Айниқса, районларда қурувчиларга бўлган талаб катта. Шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, районларда кенг ихтисосли бинокорлар тайёрлайдиган билим юрти очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу соҳада самарқандликлар ташаббусни ибратлидир.

Юқорида қайд қилинганидек, Асосий Қонунимиз 45-моддасида ҳунар-техника таълимини ривожлантириш масаласи ҳам ўрин олганлиги айни муддао деб ҳисоблаймиз. Шу модда таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги жумла билан тўлдирилса, маъқул бўларди.

Конституция лойиҳасини муҳокама қилиш пайтида кўпгина диққатга сазовор мулоҳазалар баён қилинди. 117-техника билим юрти директорининг ўринбосари О. Черковнинг фикрича, **Асосий Қонундаги «ҳунар-техника таълими» сўзларини «ўрта ҳунар-техника таълими» деб ёзиш маъқул, чунки, кўпгина билим юртлари ёшларга махсус касб ўргатиш билан бирга ўрта маълумот ҳам беради.** 26-ҳунар-техника билим юрти мастери Р. Бекмуллин **ўқув-ишлаб чиқариш базасини таъминлашни айрим ташкилотлар эмас, давлат амалга ошириши маъқул деб ҳисоблайди.** 116-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти мастери К. Каримов **45-моддага: «Ҳунар-техника таълими системаси ҳамма вақт энг янги техника, жиҳозлар, олий маълумотли мутахассислар билан таъминлаб борилади»** деган сўзлар қўшилишини таклиф қилди.

Бунга ўхшаш таклифлар, мулоҳазалар атрофлича ўрганилишига аминмиз. Ҳунар-техника таълимини такомиллаштириш соҳасида етилган масалалар ижобий ҳал қилинишига шубҳа йўқ. Чунки давр талаби, умумий ишимиз манфаати шуни тақозо этмоқда.

Л. АСҚАРОВА,
Хоразм область ҳунар-техника таълими бош қармасининг бошлиғи.

МАШҲУР МЕХАНИЗАТОР, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати Турсуной Охунова ўзининг юбилей йилидаги режалари ҳақида КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб йўллагани ва партиямиз даргасининг янги зафарларга даъват этувчи жавоб хати республикамиз барча меҳнаткашларини Ватан бахт-саодати йўлида янги марраларни эгаллашга чорламоқда. Бу даъват бугунги кунда пахтакор диёрнинг кекса-ю ёши қалбидан чуқур жой олган.

Меҳнаткаш инсон ҳақида чуқур ғамхўрлик ва оталарча меҳр-муҳаббат руҳи билан суғорилган мактубида ўртоқ Л. И. Брежнев комплекс механизация байроқдори Турсуной Охуноваге мурожаат қилиб, «Сизнинг ташаббусингизни барча колхоз ва совхозлар, барча бригадалар, ҳамма пахтакорларнинг кўлпаб-қувватлашига аминман» деб айтди.

Дарҳақиқат, Турсуной Охунова бошлаган ташаббус республикамизда кенг қулоч ёзмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг шу масала бўйича қабул қилган қарорида таъкидланганидек, бу мактуб программ характерга эга бўлиб, барча пахтакорлар учун ғоят катта аҳамият касб этади.

Одатда, инсон ҳаётидаги энг тўлқинлантирарли дамларда дилида туғён ураётган фикрларини айтолмайди. Олам-олам кувонч, ҳаётидан ,меҳнатидан, тақдиридан миннатдорлик сабоби босиб қолади шекилли. Бўлмаса, Турсуной шунча йил меҳнат фаолияти давомида не йиғинларда бўлмади, улкан анжуманларда одамларнинг эътиборини ўзига қаратмади. Бугун бўлса худди олий ўқув юртига кириш имтиҳонлари топшираётган ўқувчидек ҳаяжондан энтикади.

Ана шуларни ўйларкан, Турсуной ўзининг ҳаёт йўлини, бу ойдин йўлга олиб чиққан устозларини кўз олдига келтирди. Меҳнат фаолиятининг бошланишида дастлабки мураббийлари бўлган МТС парторги Ҳалил Турсунов, механик Иван Якименко, МТС директори Александр Васильевич Коломийцев, трактурчи Сергей Богдасаров, бригадир Борис Ким, инженер Валентин Тюпко... Улар Турсуной пахтазорнинг ёркин юлдузи бўлиши учун озмунча тер тўкишмади. Томчида қуёш акс этганидек, Турсуной ўзининг порлоқ тақдирида мамлакатимизнинг турли миллатларига мансуб бўлган кишилари қолдирган нурли изларни чуқур миннатдорчилик билан ҳис этди.

«Ҳаётимда чинакам эришган бўлсам — ҳаммаси халқлар дўстлигининг меваси, — ҳаётидан ўтказди Турсуной. — Мана, беш фарзандинг онасиман. Олди студент. Баъзан биргалашиб тарихни ўрганишга киришиб кетамиз. Бу тарих эса кўп халқларнинг қувончсиз ўтмишини ҳикоя қилади. Ўйлаб кетаман. Ленин, Улуғ Октябрь, Совет тузумимиз бўлмаганида бундай бахтиёр ҳаёт қаерда эди. Сибирь ва Уралда, Марказий Россия ва Украинада, Закавказье ва Қозоғистонда, Ўрта Осиё республикаларининг дашт ва саҳроларида миллион-миллион гектар ерларни ўзлаштириш, улкан ГЭСлар, янги-янги шаҳарлар ва асримизнинг улкан иншоати бўлган Байкал—Амур магистрали каби гигантларни бир республика, бир халқнинг кучи билан бунёд этиб бўлармиди».

Ўз фикрининг исботи сифатида жонажон Пахта қишлоғидан ўтган Катта Ўзбек тракти ва темирйўлни кўз олдига келтирди. Дарҳақиқат, бу магистраллар бўйлаб туну кун автоколонна ва поездлар ўтиб туради. Улар мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан ўнинчи бош йиллик қурилишларимизга тажрибали мутахассисларни, металл, ёғоч, ускуна, автомобиль ва бошқа машиналарни ташийди. Республикадан қайтаётганида эса СССРнинг саноат марказларига пахта, рангли металл, тўқимачилик маҳсулотлари, сабзавот мева, узум, пилла, қоракўл тери ташийди.

Турсуной пахтачиликни механизациялаш тарихини ўйлаб кетди. «Ўттизинчи йиллардаёқ Ленинграднинг Киров заводи ишчилари Фарғона водийсидаги тўнғич колхозлардан бири— «Социализм» коллектив хўжалигига иккита трактор ва рус трактурчи - инструкторларини юборган эдилар. Механизация тарихи ана ўшандан бошланмаганмикин». Мамлакатга тобора кўпроқ ва юқори сифатли пахта керак. Хўш, бу шиорнинг ғуғилишида Ўзбекистон пахтакорлари билан Россия тўқимачилари ўртасида 1929 йилдаёқ юзага келган «Минглар шартномаси» асос бўлмаганмиди. Бу шартнома бизнинг кунларимизда янги куч-қувват касб этмоқда. Ҳа, мустаҳкам дўстлик, ўзаро ҳамкорлик, тажрибаларни муттасил бахам кўриб туриш ҳаётимизни тобора бойитмоқда.

ЎТГАН йили мамлакатнинг машҳур механизаторлари қатори Турсуной Охунова партия XXV съезди қарорларини қишлоқ меҳнаткашлари конкрет кандай рўёбга чиқараётганлари ҳақида ўртоқ Л. И. Брежневга мактуб ёзган эди. Партиямиз даргаси ўзининг жавоб мактубида бу мактубга юксак баҳо бериб «...Съезд илгари сурган вазифаларни ҳал этишга кенг, давлат миқёсида ёндашилганлиги»дан айниқса қувонганлигини таъкидлаганди. Турсуной бултур сўзининг устидан чиқди. Плондаги 36,7 центнер ўрнига ҳар гектар ерда 64,6 центнердан дур ундирди. Етиштирилган ҳосилнинг 93 процента машиналарда териб олинди. Узи 452 тонна пахта терди.

Бу йилги иш қамрови ҳам чакки бўлмади. Чирчиқ дарёси ёқасида фойдаланилмай ётган ботқоқ, тўқай, тошлоқ ердан 35 гектарини бригадасига қўшиб олди. Унумдор майдоннинг бир қисмини эса қўшни бригадага берди. Янги ерда деҳқончилик қилиш осон бўлмади. Бу ерга ўрта ҳисобда 30-60 сантиметр қалинликда соз тупроқ ташиб келтиришди. Жами 84 гектар экин майдонининг ҳар гектаридан плондаги 34,5 центнер ўрнига 60 центнердан ҳосил кўтаришга бел боғлашди. Чиноз районидаги Киров номли бу колхозда хўжалик бўйича 40 центнерлик маррани кўзлаб туришибди.

Турсуной ана шулар ҳақида ўйларкан бундай юксак чўққиларга парвоз этишда унга қанот бўлаётган бригада аъзоларидан, ҳар соҳада ўзидан ибрат олаётган экипаждоши Сервер Бекировдан кўнгли тоғдай кўтарилди, улар кўрсатаётган ҳиммatга тасанно айтди. Мана шу фидойилар туфайли ,партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган катта моддий ва маънавий ёрдами натижасида пахта хирмони баракаси йил сайин ошмоқда.

Ўтган куни машҳур механизатор саксон от кучига эга бўлган трактурга ўрнатилган янги пахта териш машинасини далага олиб чиқди. Ишчилар синфининг ақл-заковати билан яратилган пўлат бедов биринчи куниёқ юксак унум билан ишлади. Унда терилган бир кунлик пахта 21 тоннадан ошиб кетди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосил биринчи теримдаёқ 41 центнерни ташкил этди.

Дастлабки муваффақиятдан илҳомланган бригада аъзолари ўз мажбуриятларини кайта кўриб чиқишди. Бригаданинг эндиги марраси — социалистик мажбуриятни мактубда айтилганидек, 15 октябрда эмас, балки 10 октябрда бажариш, 60 центнерлик маррани эгаллашдир!

Қолхозда ипатоволиклар усули кенг қўлланилиб, техникадан юксак унум билан фойдаланилмоқда. Куни-кеча хўжаликда 18 терим машинаси ишлаб, йиллик планнинг 4,5 процента миқдорида «ок олтин» топширилди.

Хирмонингиз юксалаверсин, олиҳиммат пахтакорлар!

А. НАБИХЎЖАЕВ.

РЕПОРТАЖ

ТУРСУНОЙ ДАЛАСИДА



Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишлаб В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университетида ёшлар ва студентларнинг ажойиб байрами — «Университетлар дўстлиги ҳафталиги» фестивали ўтмоқда. Фестивалга мамлакатимизнинг 20 дан ортиқ шаҳри ҳамда чет эллардан делегациялар келди. Суратда: фестиваль иштирокчиларидан бир группаси.

Е. Ботиров фотоси.

ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАЙМИЗ

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти илмий кенгашининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Мажлис аҳли янги Конституция лойиҳасини муҳокама қилди.

СССР янги Конституцияси лойиҳаси ҳақида институт директори, фалсафа фанлари доктори М. Баратов доклад қилди. Докладчи совет фани ва олимларимиз эришган муваффақиятлар лойиҳада тўла-тўкис акс этганлигини таъкидлади. Лойиҳанинг 3-боби ва ундаги барча моддалар маориф, фан ва маданиятни ривожлантириш, олимлар, маорифчилар, маданият ва санъат ходимларига ғамхўрлик қилиш руҳи билан суғорилган. Шу оталарча ғамхўрликка жавобан шарқшунос олимлар ҳам замонамиз талабига, халқимиз дидига мос юксак даражали илмий асарлар яратишлари лозимлигини уқтирди бўлди.

Илмий кенгаш мажлисида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси У. Каримов, профессор М. Пикулин ва бошқалар сўзга чиқиб, янги Конституция лойиҳасини қизғин маъқуллади.

Д. АБДУЛЛАЕВА.

ШОЛИ КЎПАЯДИ

Районимизнинг «оқ олтин» хирмони ҳам, шоли карвони ҳам салмоқдор. Юбилей йилида область деҳқонлари етиштирадиган 75 минг тонна шолининг 31 минг тоннаси районимиз зиммасида. Совхозимизда эса 11 минг тонна шоли етиштирилиб, бунинг 10 минг тоннаси давлатга сотилади.

1976 йил якунига кўра, хўжалигимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети Қизил байроғига сазовор бўлганлиги бизни руҳлантириб юборди. Бригадамиз ишчилари юбилей йилида 80 центнерлик маррани эгаллаш учун «Коммунизм» колхозининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Эшимбет Собиров, Хонқа районидаги Ал-Хоразмий номли совхознинг Машариф Собиров бошлиқ бригадалари билан мусобақалашадилар.

Ramat СОБИРОВ,
Гурлан районидаги «Гулистон» совхози шоличилик бригадаси бошлиғи, Ленин ордени кавалери.

БУРДОҚИБОҚАРЛАР ЗАФАРИ

Китоб районидаги Куйбишев номли колхоз бўрдоқибоқарлари социалистик мусобақани кучайтириб, гўшт тайёрлаш йиллик планини оширишга бажардилар. Қабул пунктига 53 тоннадан ортиқ бўрдоқи гўшти етказиб берилди. Колхозда ҳар бош қорамолнинг тирик вазни 380-400 килограмм бўлди.

Райондаги Навоий номли колхоз паррандабоқарлари тухум тайёрлаш йиллик планини бажардилар.

КУЗГИ ДОН ЭКИЛЯПТИ

Нишон районидаги Карл Маркс номли совхоз коллективи келаси йил ҳосили учун 600 гектар майдонни бар вақт шудгордан чиқариб, экишга мослаб қўйган эди. Ана шу майдонларга дон экиш бошлаб юборилди. Низом Дўстқулов, Панжи Ҳамроев, Ҳоли Ражабов каби механизаторлар бошқараётган экишаклар ҳар куни 8-10 гектар майдонга уруғ ташламоқда. Ҳўжаликнинг Рўзибой Эргашев бошлиқ бригадаси 100 гектар майдонга дон экиб қўйди.

П. ГАДОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Оламда нима гап

А. КУНЬЯЛ СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

Лиссабонда Португалия Коммунистик партияси Бош секретари Альваро Куньял ва ПКП бошқа раҳбарлари КПСС Марказий Комитети аъзоси, КПСС Марказий Комитети пропаганда бўлимининг мудири Е. М. Тяжельников бошчилигидаги КПСС ва «Правда» газетаси делегацияси билан дўстона учрашди. Делегация «Аванте» газетасининг байрамида иштирок этди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбат чоғида ПКП Бош секретари А. Куньял Португалия коммунистларининг мамлакат меҳнаткашларининг иқтисодий ва социал манфаатлари ҳамда демократик ҳуқуқлари учун, португал халқи ва демократик тузумнинг революцион ғалабаларини ҳимоя қилиш йўлидаги қураши, Португалиянинг кескинликни юмшатиш жараёнини қучайтириш манфаатларини кўзлаб тинчликсевар ташқи сиёсат учун олиб бораётган қураши тўғрисида гапириб берди.

Суҳбат вақтида ҳар икки партия ўртасида ўзаро ишонч, мустаҳкам анъанавий қардошларча дўстлик ва бирдамлик алоқалари мавжудлиги таъкидлаб ўтилди. (ТАСС).

ЭЪТИРОФ ЭТИШГА МАЖБУР БЎЛИШДИ

Япониянинг ҳукмрон доиралари мамлакатдаги тараққиётпарвар жамоатчилик талабларининг тазйиқи остида сиёсий партияларга берилаётган молиявий садақа тўғрисидаги расмий маълумотларни биринчи марта эълон қилишга мажбур бўлдилар.

Ана шу маълумотларга мувофиқ, ўтган молия йилида ҳукмрон либерал демократик партиянинг фондига тушган пул маблағлари 7.800 миллион иенани ташкил этган. Ана шу маблағларнинг 90 проценти катта бизнесдан тушди. Металлургия ва тўқимачилик саноатининг эгалари ҳаммадан кўра кўпроқ сахийлик кўрсатдилар.

НЬЮ-ЙОРК

МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШГА КИМ ХАЛАҚИТ БЕРМОҚДА

«Нью-Йорк таймс» газетаси стратегик қуролларни чеклаш тўғрисида СССР билан АҚШ ўртасидаги музокараларнинг чўзилиб кетганлиги сабабларига тўхталиб, жумладан, АҚШ давлат департаменти билан мудофаа министрлиги ўртасидаги келишмовчиликларни кўрсатиб ўтади. Бу келишмовчиликлар ҳаводан учириладиган қанотли ракеталарнинг учиш узоқлигига тааллуқлидир. Янги битимда кўзда тутилаётган чеклашлар ана шу ракеталарга жорий этилади. «Нью-Йорк таймс» газетасининг таъкидлаб ёзишича, баҳслашувларнинг асосий маъноси шуки, Пентагон ана шу ракеталарнинг учиш узоқлигини кўпайтириш ниятидадир, давлат департаменти эса АҚШ ташқи сиёсат маҳкамаси Совет Иттифоқига йўллаган таклифларни ўзгартиришни истамай, буни рад этмоқда.

(ТАСС).

ҲУКУМАТ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

Судан ҳукумати қайта тузилганлиги Хартумда эълон қилинди. Тўрт министр ва беш давлат министри эгаллаб турган лавозимларидан бўшатилди.

Эълон қилинган фармонда айтилишича, Судан президенти Нимейри бош министр лавозимини ҳам эгаллайди, ҳамда молия ва экономика министри вазифасини ҳам бажарадиган бўлади. Собиқ бош министр Ар-Рашид ат-Тоҳир Бакр ташқи ишлар министри қилиб тайинланди. У давлатнинг вице-президенти лавозимида ҳам қолади.

Фармонда ҳукумат составидаги ўзгартишларнинг сабаблари тўғрисида гапирилмайди.

(ТАСС).

ЛУАНДА

МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР МУСТАҲКАМЛАНИБ БОРМОҚДА

Португалия мустамлакачиларига қарши олиб борилган озодлик курашининг оғир йилларида Ангола ватанпарварларини рус ва совет адабиёти асарларининг буюк инсонпарварлик идеаллари жасоратга илҳомлантирди. Ангола Халқ Республикаси маданият миллий кенгашининг секретари Антонио Жасинту ана шу гапларни айтди. У таниқли ўзбек ёзувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комил Яшин бошчилигида бу ерда меҳмон бўлиб турган совет ёзувчилари делегациясининг аъзолари ҳузурида нутқ сўзлади.

Анголаликлар Лермонтов, Пушкин, Толстой, Шолохов, Маяковский асарларини юксак қадрлайдилар. Горькийнинг «Она» романи мамлакатимизда зўр ҳурмат ва миннатдорчиликка сазовор бўлган асардир, деди А. Жасинту. У совет кўп миллатли адабиёти — Совет ҳокимиятининг 60 йили мобайнида қўлга киритилган буюк зафарларнинг ёркин намунасидир, деди.

А. Жасинту озодлик ва мустақиллик учун олиб борилган қураш вақтида ангол халқига бегараз ёрдам ва мадад берганликлари учун ўз мамлакатининг халқи номидан совет кишиларига қизғин миннатдорчилик изҳор этди.

ДЕҲЛИ

ПЕКИННИНГ ҚЎПОРУВЧИЛИК МАҚСАДЛАРИ

Ҳиндистоннинг ҳафталик «Нью Эйж» газетаси бундай деб ёзади: Пекиннинг ҳозирги раҳбарлари Осиёда, Африкада ва Латин Америкасида олиб бораётган сиёсатнинг мақсади — реакцион ўнг режимлар билан ҳамжиҳатликни ўрнатишдан, шу районларда империалистларнинг сиёсатига ва уларнинг ривожланаётган мамлакатлардаги прогрессив кучларга нисбатан тутган душманчилик йўлига кўмаклашишдан иборатдир.

Маълумки, Пекин — коммунистларга ва мамлакат ичкарисидаги бошқа прогрессив кучларга қарши қаттиқ жазо чораларини қўллаётган Судан мамурларини қўллаб-қувватламоқда ва революцион уйғониш йўлидан бораётган кўшни Эфиопияга қарши қуролли ғиғогарлик уюштирмоқда, деб уқтириб ўтади ҳафталик газета. Хитой ва Судан раҳбарларининг тутган позицияси бир-бирига монанд эканлиги Нимейрининг ҳайкада Пекинга қилган визити вақтида яна тасдиқланган эди.

Хитой раҳбарлари Қизил денгиз районида араб давлатларининг реакцион режимлар билан блокини маъқуллмоқда.

Хитой Заирда Америка Марказий разведка бошқармаси таъминлаб турган ва Анголада ҳокимиятни босиб олишга уринган Холден Робертонинг қуролланган шайкаларига зўр бериб таълим берди ва уларга қурол-ярог етказиб турди. Пекин АҚШ сингари Ангола Халқ Республикасини тан олмаётир ва унинг БМТга қабул этилишига тўсқинлик қилиб турибди.

Африкада бўлиб ўтган сўнгги воқеалар Пекин раҳбарларининг Америка империалистлари билан, НАТО милитаристлари, реакцион араб режимлари, Исроилнинг ҳукмрон доиралари, Жанубий Африка Республикасининг ирқчилари билан бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилаётганликларидан яққол далолат бериб турибди.

Пекин Зимбабве, Намибия ва Жанубий Африка Республикасидаги ирқчи режимларга қарши курашаётган миллий-озодлик ҳаракатлари сафини парчалаб юборишга уринмоқда. Хитой раҳбарлари антикоммунистик позицияда турган Панафрика конгрессини қўллаб-қувватламоқда.

Пекин раҳбарлари Африкада ва ер юзининг бошқа районларида миллий-озодлик ҳаракати билан жаҳон социализми ўртасидаги иттифоққа путур етказишга уринмоқда.

Пекиннинг бундай ҳаракатлари Жанубий Африка ирқчиларига ёқиб қолганлиги ҳам бежиз эмас, деб ёзади ҳафталик газета. Жанубий Африка Республикасининг ички ишлар ва информация министри Мольдер коммунизмни қоралаб, коммунизмнинг Пекинга алоқаси йўқ, унинг олиб бораётган сиёсати апертеид режимига тамомила мақбул деб таъкидлади. Ирқчи режимнинг бош министри Форстер ўз нутқларида Мао Цзэ-дуннинг айтган гапларини такрорлаб, у ҳам Пекиннинг ҳаракатларига «юксак баҳо» берди.

Мана шу фактларнинг ҳаммаси, деб таъкидлайди «Нью Эйж» газетаси, Хитойнинг янги раҳбарлари халкаро майдонда ўз моҳияти билан социализмга қарши бўлган илгариги сиёсатни ҳамон ўтказиб келаётганлигидан далолат бермоқда. Пекиннинг халкаро кескинликни кучайтиришга уринаётганлиги, унинг ашаддий реакция билан иттифоқ тузганлиги, унинг жаҳон социализмига ва бошқа революцион кучларга қилаётган хуружлари барча халқларнинг асосий манфаатларига ва аввало Хитой халқининг ўз манфаатларига хилофдир. (ТАСС).

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ХЎЖАЛИККА РАҲБАРЛИК

СИФАТ—КОММУНИСТЛАР ҚАФОЛАТИДА

- **МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ БОШҚАРИШНИНГ КОМПЛЕКС СИСТЕМАСИ**
- **КОРХОНАДА ЧИНАКАМ ИЖОДИЙ ВАЗИЯТ ҲУКМРОН БЎЛСА...**
- **КОМПЛЕКС СИСТЕМА — КОММУНИСТЛАР МУҲОКАМАСИДА**
- **ТОПШИРИЛГАН ИШГА НИСБАТАН ВИЖДОНАН МУНОСАБАТ ОРТГАЧ...**

Наманғандаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» шойи газламалар комбинати коммунистларининг умумий йиғилишида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқаришга жорий этишда коммунистларнинг ролини ошириш ҳақидаги масала муҳокама қилинмоқда эди. Докладчи — директор Ўринбосари Собиржон Дадахонов корхонада тўлиқ жорий этилаётган сифатни бошқаришнинг комплекс системаси ҳақида батафсил гапириб берди:

— Етакчи мутахассислардан иборат ваколатли комиссия фаолияти ҳар қачонгидан кучайтирилди, — деди докладчи. —Ишлаб чиқаришнинг барча жараёнлари бўйича стандартлар ишлаб чиқариляпти. Нуқсонсиз ишлаш бўйича Украина саноат-чиларининг тажрибаси кенг қўлланмоқда.

Корхона меҳнат аҳли маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтирмоқда. Маҳсулот сифати бирмунча яхшиланди, биринчи сортли газлама тайёрлаш 51 процентга етганлиги айниқса қувончли. Бироқ, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини янада яхшилаш учун комплекс проблемаларни ҳал этиш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва маҳсулот сифатига таъсир этувчи факторларни чуқур ўрганиш керак, — деди нотиқ.

Шунинг учун ҳам партия йиғилишида маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасини ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳақида кенг фикр адмашилди. Унда коммунистлар фаол иштирок этиб, қимматли фикр-мулоҳазалар билдирдилар. Шу таклифлардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қилаётирмиз. Тўқимачилик фабрикаси цартия бюросининг секретари **Исоқжон УСМОНОВ:**

— Иш сифатини яхшилаш фабрика маъмурияти билан партия ташкилотининг энг муҳим вазифасига айланди. Ҳозир бизда айрим ассортиментлар бўйича орзлиқ сифат бригадалари иш олиб бораётир. Мақсад тайёрлов бўлимидан чиқаётган ҳом ашёдан тортиб то мато тўқилгунча бўлган жараёнларда иш сифати кўнгилдагидек бўлишига эришишдир. Бу ўринда маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системаси жорий этилаётганлиги жуда катта ёрдам бераётир. Ҳозир бир хил газламани давлат Сифат белгиси олиш учун тайёрлаяпмиз.

Йигирувчи **Маҳбуба ДАДАЖОНОВА:**

— Маҳсулот сифатига — ишчи кафолати! Бу бизнинг шиоримиз. Бугун лавсан — вискоза ассортименти бўйича ипнинг сифатини яхшилашда қатор амалий тадбирлар қўлланилмоқда. Оралиқ сифат бригадалари ҳам катта фойда бермоқда. Ғанижон Обидов ва Муҳаммадали Абдужабборов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари сифат учун виждонан меҳнат қилишаётир. Бироқ, ҳарорат, нқлим ҳамиша бир хил сақланмаганлиги, чанг тозалагич ускуналари яхши сақланмаганлиги ишимизни бирмунча суслаштиряпти.

Газламаларга гул босиш цехининг бўёқ пиширувчиси **Абдулла НАБИЕВ:**

— Юбилей йилини яхши бошладик. Буни меҳнатимиз натижаларидан ҳам кўрса бўлади: ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 процент ўсишга эришдик. Бироқ, харидорбоп газламалар ишлаб чиқариш учун катта ишлар қилиниши керак. Авало, ишчиларнинг малакасини ошириш, топширилган вазифага нисбатан виждонан муносабатда бўлишни тарбиялаш, ишда мусобақанинг таъсир кучини ошириш зарур.

Комбинат бош инженери **Ҳабибулла АБДУРАҲИМОВ:**

— КПСС XXV съезди олдимизга қўйган улкан вазифаларни ҳал этиш учун янги техника ва илғор технология билан қуроллаяпмиз. Жумладан, газламалар сифатини ошириш мақсадида шу йилнинг бошидан бери 8 машина, 20 автоматик тўқув дастгоҳлари, найчасиз тўқув дастгоҳини ўрнатдик. Таъёрлов газламаларнинг сифатини яхшилаш учун матоларни ювиш ва қуритиш линияси ишга туширилди. Сифат гарови бўлган бўёқ рецептлари топилди.

Таъёрлов бўлими мастер ёрдамчиси **Анатолий КОЗЛОВ:**

— Маҳсулот сифатини яхшилаш учун қатор тадбирий чораларни амалга оширяпмиз, Жумладан, 8 та ўров ва 3 та охорлаш машиналарининг ишга туширилиши унум ва сифатни созлашга ёрдам берди. Асослар браги 10 процент камайди. Маҳсулот сифатини бошқариш комплекс системасининг жорий қилиниши ҳар бир ишчининг масъулиятини оширади. Коммунистлар маҳсулот сифатини яхшилаш учун ички резервларни ишга солиб тўғри қилишаётир. Тозалик ва меҳнат маданиятига катта эътибор беряпмиз. Бу ярим фабрикатларнинг сифати учун бош омил. Арқоқ ва асослар ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича оралиқ сифат бригадалари ишлаяпти.

Ремонт устахонасининг катта мастери **Давлатали ЖУРАЕВ:**

— Ўнинчи беш йиллик ҳамма соҳада юксак самарадорлик ва сифат беш йиллиги деб эълон қилинди. Агар ишлаб чиқаришда моддий техника базаси бўлмаса, сифат ҳақидаги гап — ортиқча. Бу муаммони комплекс асосда ечиш партия ташкилотларидан катта ҳаракат ва шижоатни талаб этади.

Партия ташкилотимиз улкан социал-иқтисодий ривожланиш планини амалга оширмоқда. Технология жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришга, асосий ишлаб чиқаришларда энг чидамли материалларни қўллашга катта аҳамият берилмоқда. Ремонтчилар ишнинг ишбай усулига кўчишди, «яхши» ва «аъло» ремонт учун мукофот тўланиши ишда кескин ўзгариш ясади, ҳар бир ремонтчининг масъулияти ошди. Чўян қуйиш ва эҳтиёт қисмлар таъёрлашда брак йўқолди. Бироқ, деталлар етишмовчилиги ҳамон тугамади. Электрод мунтазам етишмаслиги ёки айрим синов машиналарининг йўқлиги сабабли асос, шпиндель, шестерналарни синовдан ўтказмаяпмиз. Бу камчиликларни тугатишнинг ягона йўли етишмаган машиналарни топиб ўрнатишдир.

КПСС Марказий Комитетининг 1977 йил май Пленуми, СССР Олий Советининг сессияси якунлари фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш учун курашда комбинат коммунистларининг авангардлигини оширишни юборди. Йигилиш бошланғич партия ташкилотларининг навбатдаги вазифаларини аниқлаб берди. Барча коммунистларнинг юксак самарадорлик ва иш сифати учун курашдаги авангардлик ролини ошириш борасида катта тадбирлар белгиланди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.





«АНДИЖАНКА»—ҒОЛИБ

Илгари хабар қилганимиздек Андижонда чим устида хоккей бўйича аёлларнинг IV Бутуниттифоқ «Дўстлик» турнирида Андижоннинг «Андижанка» командаси биринчиликни қўлга киритган эди. Суратларда: 1. Командаининг аъзоларидан (биринчи қатордан чапдан) Н. Ляшенко, Л. Аҳмерова, Р. Мустафаева, А. Хам, З. Чауш, Ф. Қодирова; (иккинчи қаторда) Э. Орифжонова, Г. Мамутова, В. Бекирова, Э. Бекметова, мусобақанинг бош судьяси Мирон Ким, Н. Горбаткова, С. Рассолова, В. Дунаева, Л. Левшановалар. 2. Команда аъзолари бир-бирларини ғалаба билан табриклашмоқда.

Р. Ашуров фотолари, (ЎзТАГ).

Воҳид ЗОҲИДОВ.

МЕНИНГ ЖАВОБИМ

ПУБЛИЦИСТИКА

Аввало шуни айтиб олай. 1945 йил 6 август. Соат эрталаб саккиздан 15 минут ўтган. Япониядаги Хиросима осмонидан тарихда биринчи Америка атом бомбаси ташланди. Бир онниг ўзидаёқ деярли бутун шаҳарни мисли-сиз даҳшатли хароба тўлқинлари ва ажал алангалари қоплади.

Юз мингча одамлар — кул... Бу не офат!
Одамлар йўқ бўлди, қолди соялар.
Миллион даражага ошган ҳарорат-
Йиғлади соялар, йиғлади тошлар...

Шу ҳолат Нагасакида ҳам рўй берди.

Мана, ўшандан бери ўша икки шаҳарга ташланган икки кичкина атом бомбасидан чиққан бвомон ўлим ҳамон ўз машъум ишини давом эттирмоқда: ёстиғи қуриганлар сони 1967 йилга келиб 200 мингга етди. Бугина эмас. Японча айтганда, «хибакушя» ларни, яъни ўша икки бомбадан қаттиқ зарба олиб ва зарар кўриб, ҳамон ўлим ила ҳаёт орасида, ҳидаб бўлмас азоб исканжасида ўртанаётганларни ҳам ҳисобга олмоқ лозим, улар — 350 минг!!!

Ҳақиқатан ҳам, у бомба ва унинг оқибатлари шу қадар вақшатлики, уни «даврнинг фожиаси», «даврнинг жароҳати» деб атаган эди улкан шоир Ойбек ўзининг 1965 йилда ёзган махсус «Даврим жароҳати» номли поэмасида.

Ҳа, бундан 32 йил аввал юз берган ўша ўта даҳшатли фожиа ҳамон бутун инсоният эсида, ҳамиша одамзот хотирасида. Дунёнинг ҳар ерида яшовчи миллионлар қалбида у қолдирган яра ҳамон битмаган, ҳамон оғриқ бермоқда.

Аммо ҳозирги асосий гап у биринчи ва кичик бомбалардагина эмас. Айтишларича, янги яратилган водород ва айниқса, нейтрон бомбалари олдида у аввалгилари қариб ўйинчоққа ўхшар эмиш!.. Ўша илк бомба ташланган жойга ҳар йили 6 августда минг-минг мотамсаро ва тинчликсеварлар тўпланади ва худди ўша соат ва минутда қурбон бўлганлар хотирасини эслаш маросими очилади. Лекин бу йилги шу ой, шу кун, шу соат ва минутдаги маросим ва эслаш шу ҳозиргина айтилган сабабга кўра алоҳида қаяжонли, жуда кенг ва жуда актив тарзда бўлди, бутун дунёдан анча одамлар келди, ўта оташли ҳамда чуқур ташвишли сўзлар айтилди, империалистларнинг ҳам эски, ҳам айниқса ва асосан янги, даҳшатли нейтрон бомбасини, бомбачиларни қоралаб, бу машъум зўравонларга қарши фаол кураша ундаб айтилди бу сўзлар.

Бинобарин, айтадиган сўзим менингчима ғазаб тўла жавобим эмас. Мен бир заррасигина бўлган монолит буюк бир бутунликнинг — 259 миллионли совет халқининг — 259 миллион ҳаётпарвар бахтиёрларининг нафрат тўла жавобидир, булар билан бутқул ҳамоҳанг тарзда шиддат ила «Йўқ!» деяётган ва дунёнинг ҳар чеккасида яшаётган барча акл ва инсоф эгаларининг, барча тинчлик ва ҳаёт тарафдорларининг ҳам жавобидир, жавобгина эмас, қатъий қароридир.

Масала чиндан-да жиддий! Узоқ Америка шимолидан жуда совуқ ва хунук шамол бирин-кетин кела бошламоқда. Ҳа, жуда ҳунук ва хатарли изғиринлар изғиб келмоқда...

Мана, қаранг, пойтахт Пентагонидаги корчалонлар, Штатлардаги очкўз монополистлар, шуларнинг иродаи ва ихтиёридаги маъмурлар Осиёдаги Япония милитаристлари билан тил бириктирмоқда, Латин Америкасидаги Чили узурпаторлари кунтасини қўллаб-қувватиқламоқда, Африка жанубидаги ирқчи муттаҳам Смит ва Форстерларга зимдан ем бермоқда. Исроил боскинчиларига таянч бўлмоқда, барча араб элатларини ҳам доллар хизматига қўйиш учун тиришмоқда, Европа маркази —Федератив Германияни бутун Ғарб бўйлаб, ундан ташқаридаги қатор мамлакатлар бўйлаб бало бомбаларини отиш полигонига айлантириш учун уринмоқда.

Ахир, ҳозирги савиядаги башариятни етиштириш учун, ҳозирги қайратомуз бой социал воқеликни бунёд этиш учун, юксак маданиятни ижод этиш учун одамзотнинг неча-неча минг йил меҳнат қилиши ва не-не тафаккурни ишга солиши керак бўлмади! Қанчадан-қанча қон, тер ва кўз ёшлари тўкилмади, қанчадан-қанча алам ва андуҳларга бардош бериш зарур бўлмади! Не-не даҳо эгалари қурбон бўлмади ва қанчадан-қанча муҳташам шаҳар ҳамда кўркам кошоналар харобага айлантирилмади!..

Яна: мен кўрганман бутун инсоният мукаддас деб билган Ленинград Эрмитажи хазиналарини (икки ярим миллиондан кўп ундаги ноёб экспонатлар!), Париждаги афсона янглиғ Лувр бойликларини, қадимий Римдаги мўъжизаларни, Берлиндаги Бетховен даҳоси янграган ҳашаматли гўзал концерт залларини, Лондондаги бебаҳо буюк китобхонани, Будапештдаги шодиёна қий-чувли болалар боғчалари ва Болгариядаги ҳайратланарли гулзорларни. Ноёб ҳинд маданияти ёдгорликларини ҳам, қўли эҳромлар яратишга қодир араб фаллоҳи ва юксак истеъдод соҳиби докерларни ҳам кўрганман. Асрлар мобайнида қул ҳолида бўлган, эндигина инсонларча яшаш йўлига кира бошлаган африкаликлар-чи, таланган оддий одамлар меҳнати қад кўтартирган Нью-Йорк осмонўпар бинолари-чи, Европа саноат гигантлари, шифо муассасалари ва бошқа шу кабилар-чи!

Яна: илғор башариятнинг келажакка қаратилган нақадар кўп ва ажойиб эзгу орзулари ҳамда режалари бор! У, Зуҳрога учмоқчи, Галактикамиздан узоқдаги оламларни ҳам забт этмоқчи.

Мана энди, келиб-келиб, империалистлар шуларга — шу башарият, шу социал воқеликка цивилизация-ю тараққиётга, шу улуғ режа ва орзу-тилакларга ялпи қирувчи ва барбод қилувчи водород ҳамда нейтрон бомбасини ташлаш тадоригини кўрмоқда-я! Қанотли ракеталарни ҳам ишга солмоқчи!

Ҳаққоний қарғиш жуда зўр бўлади, дейдилар. Эшитинг, америкалик жаноблар, очиғини айтаман, сизларни шу ҳаракатларингиз учун бутқул ҳақгўй миллионлар қарғамоқда. Тирикларгина эмас, ўлган тириклар ҳам, яъни инсоният эсида ҳамон яшаётган миллион-миллион фидойилар фожиаси ва хотираси ҳам ғазаб билан бокмоқда, мудҳиш йўлдан қайтариш учун барчани актив курашга даъват этмоқда. Ҳамма оёқ устига турмоқда!

Ахир, наҳот, сизлар туфайли XX аср охирларидаги йиллардан бири ер юзидаги жонли мавжудотнинг қирони йили бўлсин! Наҳотки, на баҳор ва бинафша бўлсин, на оқанда куйи ва севги севинчи! Наҳот, на бола ўйини ва она бахти, аёл ҳусни ва назокати бўлсин, на ота фарогати! Наҳотки, ҳар ерда ёлғиз тилсиз тош ва жонсиз тупроққина қолсин, осмонда ой ва қуёш ҳайрату ҳасратда лол қолсин, ердаги дондор далалар оташгохга айлансин, тоғлар лоласиз, қирлар бахмал кўкатсиз бўлсин!

Йўқ ва яна йўқ! Бунинг олдини оладиган ва олиб келаётган куч бор: биз, бизнинг беқиёс қудрат ва қатъиятимиздир бу куч; барча ҳаётсевар халқлар бирлиги ҳамда фаоллиги, қатъият ила «Йўқ!!» дейишидир бу куч.

Ҳа, бутун илғор башарият «Йўқ!» демоқда. У йўл қўймайди ажал рақсига!

Мен бундан бир неча кун аввал Тошкентдаги заводлардан бирида бўлдим, нейтрон бомбасига қарши митингда иштирок этдим. Ишчи аёллардан бирининг минбардан туриб айтган сўзларини эшитдим. У ўз болаларини хавфдан ташвиш тўла ҳолда кўриклаётган она-арслондек ҳам бежо, ҳам салобатли эди. Унинг овози ғазабдан титрарди ва ҳар бир сўзидан ўт чақнарди. Жумладан, деди у:

— Мен онаман, дунёдаги ҳар нарсадан афзал ҳисобланган ва бутун жамиятга, бутун келажакка ҳаёт берадиган, қолаверса, бутун мавжудотга маъно бахш этадиган муқаддас оналар номидан қатъий айтаман: бизга, болаларимизга нейтрон ўлимини тилаганларни одам она туққан эмас, иблислардир, уларнинг ер юзида, кўёш бор жойда, тириклар орасида яшашга ҳаққи йўқ! Худди шундай: асло ҳаққи йўқ ҳаёт душманларининг! Шу амалга ошсин учун учта норма бажаришни ўз зиммамга оламан. Бошқаларни ҳам чақираман! Фалокатга йўл қўймайман!

Бу нафрат тўла сўзлар катта завод залидан ва юксак минбардан бутун дунёга янграгандай бўлди.

Тинчлик байроқдори ўртоқ Л. И. Брежнев айтганидек:

«Дунёдаги аҳвол мураккаблашганлиги тўғрисида кейинги вақтларда кўп гапирмоқдалар ва ёзмоқдалар. Дарҳақиқат шундай...

Гап пропагандада эмас, албатта. Биз бундан қўрқмаймиз, чунки ўз ғояларимизнинг ҳаққонийлигига эминмиз. Гап шундаки, душманлик кампаниясидан қуролланиш пойгасининг янги даврасини бошлаш учун чиқиб сифатида фойдаланмоқдалар. АҚШда қанотли ракеталар ишлаб чиқаришни кучайтириш ҳамда нейтрон бомбага маблағ ажратиш тўғрисида қарор қабул қилингани-дан кейин бундай боғланиш айниқса равшанлашиб қолди.

Бу қарор бутун дунёдаги жамоатчиликни, шу жумладан АҚШга иттифоқчи бўлган мамлакатлардаги жамоатчиликни ташвишга солди. Бундай ташвишланиш учун жиддий асослар бор. Бироқ иш таассуф изҳор этиш билангина чекланмаслиги муҳимдир. Модомики, инсоният уруш хавфи кучайишини хоҳламас экан, тинчликни мустаҳкамлаш йўлида ҳаракат қилиши, зўр ғайрат билан, ҳеч иккиланмай ҳаракат қилиши зарур».

Бу, жуда яхши огоҳлантиришдир, ғоят муҳим вазифадир!

Ахир, Улуғ Октябрь инқилобини биз барча халқлар озодлиги ва осудалиги учун қилдик, шундай даврни бошлаб бердик; социализм қурдик ва Ватанимизни ҳамма адолатпарвар ва тинчликсевар халқларнинг эзгу истаклари истеҳкоми ҳамда истиқлолхонага айлантирдик; немис фашизмини тор-мор этиб, бутун инсониятни қутқариб қолдик; ўшандан бери бир неча бор бош кўтариб башариятни беқиёс балолар гирдобига ташламоқчи бўлган ялпи қириш қуролчиларининг йўлини тўсиб келмоқдамиз.

Ҳа, яхшиямки башарият бахтига СССР ва унинг қардош сафдошлари бор! Ҳамиша бўлганидек ҳозир ҳам Совет Иттифоқи ва халқи партиямиз раҳнамолигида адолатли тинчлик ва ҳаёт учун курашчиларнинг энг олдинги қаторида, асосий куч сифатида бормоқда, ўз интернационалистик бурчини шараф билан бажармоқда.

Биз биламиз, у нейтронли ракетачилар ҳаракати аввало бизга қарши қаратилган. Лекин улар ўйлайдиларки, қирғин бошласалар ўзлари бутун қоладилар деб. Йўқ. Бировга чоҳ қазиган, ўзи ўша чоҳга йиқилади. Тарих бунга шоҳид...

Куз ўз ишини бошлади, шароит шоширяпти, белни бўшаштирманг, енг шимаришни ҳам унутманг. «Беш миллион уч юз олтмиш минг тонна бебаҳо олтин» номли довонни ҳамла қилиш бошланди. Қанча тезкорлик билан уни забт этсак, шунча фойда. Албатта шундай бўлади! Лафзи ҳалол пахтакорларимизнинг қатъий қарори шу! Бу ҳам империалистларга яхшигина жавобимиз бўлади.

Ҳа, Ватанимиз осмони тоза ва оиламиз осуда бўлаверсин десак, шу шарт! Халқимизнинг ажойиб диалектик ҳикматли айтгани бор:

«Тинмасанг, тинасан!..»
Ҳамма гап мана шунда!

Ахборот

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Фарғонага йўлингиз тушиб қолса, Қизилтепа массивида, албатта, бўлинг. Бу ерда асрлар бўйи сувга ташна қақроқ чўлнинг кун сайин чекиниб бораётганини кўриб, қувончларга тўласиз. «Фергановодстрой» трестига қарашли 1-механизациялашган кўчма колонна чўлқуварлари катта бунёдкорлик ишлари олиб боришяпти. Мавжуд тўртта трактор ва скрейперчилар бригадалари коллективлари саккиз облик планларини барвақт бажардилар. Пландаги 276,3 минг кубометр ўрнига 350 минг кубометр тупроқ ишлари адо этилди. Эришилган ютуқда Ортикали Тўйчиев, Зулфиқор Сайдуллаев сингари механизаторларнинг ҳиссаси, айниқса, катта бўлди. Колонна бунёдкорлари йиллик топшириқларини октябрь ойида бажаришга, юбилей шарафига муносиб меҳнат совғалари ҳозирлашга аҳд қилишган.

С. ИСМОНАЛИЕВ,
механизатор.

НАЗАРИЯ — АМАЛДА

Бир ойдирки, биз, бўлажак қурувчи-инженерлар Сочида — «Ўзбекистон» санаторийси учун қурилаётган янги бинолар қурилишида ишлаб чиқариш практикамизни ўтаяпмиз. Тошкент политехника институти аудиториясида олган назарий билимларимизни амалда синаб кўряпмиз. Ҳозиргача отилгимизга олган уч бинонинг барча инженерлик ҳисоб-китобларини қилиб бўлдик. Улардан иккитаси монтаждан чиқарилиб, учинчисига пойдевор кўйилди. Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати коллективининг бу ердаги группаси биз, студентлар, бераётган кўмакдан жуда қурсанд. Студент бригадалари ўртасидаги мусобақада бизнинг 43-74 СТ комплекс монтажчилар бригадамиз пешқадамлик қилмоқда.

Ишлаб чиқариш практикамизнинг тугашига ҳали анча бор. Биз бу вақт ичида зиммамизга олган қурилиш объектларининг ҳамма инженерлик ишларини тўла бажарамиз. Улуғ Октябрнинг 60 йиллик тўйига муносиб совға ҳозирлаймиз.

Ў. БЕКЖОНОВ,
Тошкент политехника институти саноат-граждан қурилиши факультетининг 4-курс студенти.

* * *

Газетамизнинг саноат, қурилиш ва транспорт бўлимига кун сайин келиб турган бундай хат-хабарларнинг мавзуси турлича бўлса-да, мазмунан ҳаммасида фидокор ўртдошларимиз, озод меҳнат кишилари мадҳ этилади. Уларнинг Улуғ Октябрь шонли 60 йиллигига тайёрланган меҳнат совғалари ҳақида ҳикоя қилинади. Чунончи, фарғоналик Ҳ. Олимов, У. Худойберганов, қорақалпогистонлик О. Тоқимбетов, фрунзелик П. Ушчаповский, андижонлик Ж. Ҳакимов, И. Исмоилов, С. Мўйдинов, Р. Султонов, сурхондарёлик Т. Тўраев, Ч. Ҳусанов, наманганлик Н. Абдуллаев, К. Тўраев, Р. Ҳолмирзаев, қашқадарёлик Т. Қўқонов, Ш. Шароповлар, сирдарёлик К. Одилов, М. Султонхонов, тошкентлик Г. Горелюк, В. Кузнецова ўртоқлар йўлланган мактубларда шулар жумласидандир.

СПОРТ

БОКС

МАҲОРАТ НАМОЙИШИ

Округ офицерлар уйида ўзбек боксининг асосчиларидан бири, СССРда хизмат кўрсатган тренер Сидней Львович Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилган турнир ниҳоясига етди. Олти кун давом этган беллашувларда республикамиз спортчилари билан бирга РСФСР, Озарбайжон, Туркманистон ва Қирғизистоннинг чарм қўлқоп усталари қатнашишди.

Республикада спортнинг бу жанговар турини ривожлантиришда шу анъанавий мусобақанинг аҳамияти катта. Жаҳон чемпиони Р. Рисқиев, Европа ва СССР чемпиони, Олимпиада ўйинлари кумуш совриндори Н. Анфимов, СССР биринчилиги совриндори А. Қодирохунов сингарилар шу турнир рингида тобланишган, моҳир спортчи бўлиб етишишган.

Турнир мобайнида кўплаб спортчилар ўз маҳоратларини намойиш этишди. Финал мусобақадари жуда кескин ўтди. 48 килограммгача бўлган вазнда яқинда Севастополда ўтказилган Бутуниттифоқ турнирининг ғолиби бухоролик Р. Неъматов совриндор бўлди. 175 килограммгача вазн тоифасида самарқандлик Р. Салимов ва бухоролик О. Юрасов ўртасидаги баҳс мухлислар эътиборини қозонди. Учрашувда Р. Салимов тўла устунлик билан ғалаба қилди.

Турнир давомида кўплаб ёш, талантли спортчилар етишиб чиққанлиги маълум бўлди. Фарғоналик Р. Забиров, З. Туманов, самарқандлик А. Сааков, бухоролик А. Аҳмедов, андижонлик К. Тўраев ва бошқалар шулар жумласидандир.

ШАШКА

ПЕШҚАДАМЛИК УЧУН

Рус шашкаси бўйича мамлакат XXI чемпионати «Политотдел» колхозида қизғин давом этаётир. Турнирда қиевлик чемпион шашкачи А. Наумова пешқадамлик қилмоқда. У ҳозирча тўққиз учрашувнинг еттитасини юқори кўрсаткич билан якунлади. Самарқандлик Л. Ибрагимова спорт мастерлари молдавиялик Л. Бендерская, москвалик Н. Лашина билан учрашиб, ўйинни дуранг қилишга эришди.

Тўққиз имкониятдан етти очкони қўлга киритган Л. Григорьева олдинда бормоқда. Молдавиялик шашкачилар Л. Бендерская ва С. Музиченко, С. Ингауните (Кишинев), харьковлик О. Левина 5,5 тадан очкога эга бўлишди.

Е. ЧЕРКАССКИЙ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

ҚЎЙИДАГИ КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР СОСТАВИДАГИ ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қурилиш материаллари, 1-олий математика учун аппаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва экономика ўқув жараёнини илмий ташкил этиш, сиёсий иқтисод, илмий коммунизм, экономика ва геология қидирув ишларини ташкил этиш (фан докторлари, профессорлар, фан кандидатлари, доцентлар);

доцентлар: саноат электроникаси, гидравлика, материаллар қаршилиги, информацион-ўлчов техникаси, автоматлаштирилган бошқариш системалари, амалий математика, олий математиканинг махсус боблари, минералогия, ачитқи ишлаб чиқариш технологияси, амалий геодезия, КПСС тарихи (2), ёғлар технологияси, асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси, сиёсий иқтисод, саноат ва граждан бинолари архитектураси, илмий коммунизм;

катта ўқитувчилар: механатни муҳофазалаш (2), тоғ ишларини электрлаштириш ва автоматлаштириш, қишлоқ хўжалиги машиналари, механизм ва машиналар назарияси, илмий коммунизм (ўзбек тилида), илмий коммунизм (ўзбек тилида «Совет ҳуқуқи» курсини ўқиш учун), экономика ва учиш аппаратлари ишлаб чиқаришни ташкил этиш, саноат корхоналари ва шаҳарларни электр билан таъминлаш, автоматлаштирилган бошқариш системалари, амалий математика, АСУ нинг техника воситалари, фойдали қазилма конларини излаш ва уларни ўрганиш методикаси, металлшунослик, электр тарйоқлари ва системалари, иссиқлик электр станциялари, автоматика ва телемеханика, эксперимент ва назарий физика электр станциялари (2), машинасозлик технологияси, учиш аппаратлари ишлаб чиқариш технологияси, фалсафа, 2-олий математика, асосий органик ва нефть-химия синтези технологияси, саноат электроникаси, спорт, умумий овқатланишни ташкил этиш технологияси;

ассистентлар: экономика ва тоғ саноатини ташкил этиш, экономика ва энергетиканы ташкил этиш (2), қишлоқ хўжалик машиналари (2), машина деталлари, экономика ва машинасозлик саноатини ташкил этиш, механизм ва машиналар назарияси (2), машинасозлик технологияси, 2-олий математика (2), сув таъминоти ва канализация, илмий коммунизм (ўзбек тилида), гидротехника иншоотлари, электрон-ҳисоблаш машиналари, олий математиканинг махсус боблари, фойдали қазилма конларини излаш ва ўрганишнинг геофизик методлари, экспериментал ва назарий физика, электр узатиш ва саноат қурилмаларини автоматлаштириш, совутиш ва компрессор машиналари ва уларни ўрнатиш, (2), металл қирқувчи станоклар, электросанциллар, электромашиналар (2), гидротехника қурилмалари ва гидромашиналар, амалий геодезия.

ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ФАКУЛЬТЕТИ

катта ўқитувчи: илмий коммунизм.

ТАЪЛИМОТ БЎЛИМИ

ўқитувчилар. ўзбек тили (2).

КЕЧКИ-СИРТҚИ БЎЛИМ
ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

катта ўқитувчилар. физика, қурилиш ишлаб чиқариши (2);

ассистентлар: КПСС тарихи (ўзбек тилида), физика (ўзбек тилида), сиёсий иқтисод.

ОЛМАЛИҚ ШАҲРИДА

мудир: умумий инженерлик фанлари (фан доктори, профессор, фан кандидати, доцент);

ассистент: умумий инженерлик фанлари («назарий механика ва материаллар қаршилиги» курсини ўқиш учун).

НАВОИЙ ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: умумий техника фанлари;

ассистент: умумий техника фанлари («Саноат ва граждан бинолари архитектураси»).

АНГРЕН ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: марксизм-ленинизм (ўзбек тилида);

ассистентлар: умумий инженерлик фанлари (2), («Геология фанлари» ва «Назарий механика курсларини ўзбек тилида ўқитиш учун), олий математика.

ЗАРАФШОН ШАҲРИДА

катта ўқитувчи: умумий инженерлик фанлари («саноат ва граждан бинолари архитектураси» курсини ўқитиш учун);

ассистентлар: фалсафа бўйича лекция ўқиш учун, умумий инженерлик фанлари, олий математика.

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДА

доцент: физика;

катта ўқитувчилар: КПСС тарихи, фалсафа, олий математика, химия, чизма геометрия ва чизмачилик, умумий техника фанлари («Инженерлик геодезияси» курсини олиб бориш учун);

ассистентлар: олий математика, чизма геометрия ва чизмачилик;

ўқитувчилар: чет тили, рус тили (2), жисмоний тарбия (2).

ЖИЗЗАХ ШАҲРИДАГИ ТАЪЛИМОТ БЎЛИМИ

ассистентлар: математика (2), физика (2);

ўқитувчи — ўзбек тили.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДАГИ ТАЪЛИМОТ БЎЛИМИ

ассистентлар: математика (2), физика (2);

ўқитувчи: ўзбек тили.

КОНКУРС МУДДАТИ — 19 СЕНТЯБРГАЧА

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: Тошкент шаҳар, ГСП, Навоий кўчаси, 13-уй, 49-хона.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 14/IX да Парвона.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15,16/IX да Йўқ, омадсиз эмасман.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Москва цирки артистларининг гастроллари, «СУВДА ЦИРК» АТТРАКЦИОНИ.

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — Хавфли қувиш (катта вал, кундуз ва кечқурун).

Уз билганича яшамоқ — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сув ости салтанатининг маликаси — «КОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Арвох-кема: Сув ости салтанатининг маликаси — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (14, 16.30, 19.00).

Бу қизча менга ёқади — «ИСКРА» (20.20).

«ЗАРБДАРБОДСТРОЙ» ТРЕСТИГА

Жиззах областида ишлаш учун скрейперчилар ва камида 5 разрядга эга бўлган бульдозерчилар

КЕРАК

Меҳнат ҳақи — ишбай-мукофотли ва 1/3 район коэффициенти берилади.

ЕЛҒИЗ КИШИЛАР ЕТОҚХОНА, ОИЛАЛИКЛАР ЭСА 6 ОЙ ДАВОМИДА КВАРТИРА ОЛАДИЛАР.

Мурожаат учун адрес: Жиззах область, Жиззах район, Чкалов номли посёлка.

Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ўқув юртлари бошқармаси коллективи Тошкент қурилиш техникумининг директори Э. А. Абировга отаси

Абир АБИЛБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Гулистон» журнали редакцияси коллективи ва редколлегияси редколлегия аъзоси, Пискент районидаги «Гулистон» колхози правлениесининг раиси И. Хайдаровга отаси

Камолиддинхон ўғли Ҳайдархўжанинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ОРБИТА-3» ПРОГРАММАСИ

9.00 — Янгиликлар. 9.10 — Эрталабки гимнастика. 9.30 — «Фаворит» телевизион бадиий фильм. 1-серил. 10.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 11.35 — «Жок» давлат халқ рақс ансамблининг концерти. 15.00 — Телевизион ҳужжатли фильм. 15.50 — Жилолар. 16.20 — «Муму». Бадиий фильм. 17.30 — Фан оламида. 18.00 — Мактаб ўқувчилари иншосининг Бутуниттифоқ кўриги. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Қувноқ ноталар. 19.30 — Инсон ва қонун. 20.00 — Халқаро конкурслар лауреати Светлана Навасардян чалади. 20.35 — СССР халқ артисти М. М. Тарханов туғилган кунининг 100 йиллигига. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Спорт программаси.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Болалар учун телеспектакль 13.00 — СССР халқларининг куйлари. Концерт. 13.40 — «Суяги йўқ бола». Бадиий фильм. 18.30 Болалар учун «Бойчечак». 19.00 — СССР Конституцияси лойиҳаси тўғрисида сухбатлар. 19.20 — Мажбуриятларнинг бажарилишини текширамиз. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ўзбек классик қўшиқлари ва рақслари. 20.40 Ахборот. 21.00 — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган иттифоқдош республикалар телевизион фестивали. Эфирда — Эстония. 21.30 — Москва. «Вақт». 22.00 — Эфирда — Эстония (давоми).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Осетил афсонаси». Бадиий фильм. 20.25 — Тошкент янгиликлари. 20.45 — СССР Конституцияси лойиҳаси умумхалқ муҳокамасида. 21.15 — Реклама ва эълонлар. 21.30 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари.

Радио

8.30 — Область театрлари артистларининг концерти. 9.30 — «Нодир ёзувлар». 11.15 — «Ягона оила». Радиоочерк. 11.30 — Эстрада концерти. 12.10 — «ЎЗБЕКИСТОН ИНДУСТРИАЛЛАШИЙ». 13.00 — «Қуёнчилик сердаромад соҳа». 13.30 — «Далада ишлаётганлар, Сизлар учун». Концерт. 14.00 — «Илғорларга тенглашинг». 16.10 — Т. Жалилов номли халқ чолғу оркестри чалади. 18.30 — Спорт эшиттириши. 19.00 — Москва. «СССР КОНСТИТУЦИЯСИ ЛОЙИҲАСИНИНГ МУҲОКАМАСИГА». 19.20 — «ДЎСТЛИК ТЎЛҚИНИДА». 20.20 — «Талабларингизни бажо келтирамиз». Концерт. 21.00 — «ПАХТА ДАЛАЛАРИДАН ДАРАКЛАР» ва қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 — Қувноқ тароналар. 22.30 — Халқаро мавзуларда сухбат. 22.40 — «Шеърият кечаси». «Пахтазор қўшиқлари» ўзбек шоирларининг шеърлари асосида радиокомпозиция. 23.15 — Дам олиш концерти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 ✱ ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р — 02587 Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 215